

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЖЎРАЕВ ШЕРАЛИ АЛИШЕР ЎҒЛИ

**МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

мавзусида ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: ю.ф.ф.д. (PhD) Л.Х.Исоқов

ТОШКЕНТ–2021

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I БОБ. МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1-§. Миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни (предмети, объекти, мақсад ва вазифалари).....	9
2-§. Миграция соҳасидаги қонунчиликнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили.....	22
II БОБ. МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	
1-§. Миграция соҳасидаги муносабатларда қонунийлик ҳолати ва прокуратура органларининг тутган ўрни.....	36
2-§. Миграция соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш.....	48
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	
1-§. Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича хориж тажрибаси.....	62
2-§. Миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.....	77
ХУЛОСА	90
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	97
ИЛОВАЛАР	110

КИРИШ

Тадқиқот ишининг долзарблиги. Ҳозирги замонавий дунёда давлатларнинг кўпчилигининг ривожланиш истиқболлари миграция жараёнларига боғлиқ бўлиб қолганлиги сабабли, давлатларнинг ривожланишини миграция жараёнларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу сабабдан, жаҳоннинг кўпгина давлатлари миграция соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришга, уларни ҳуқуқий тартибга солувчи базани яратишга ва ривожлантиришга, шунингдек бошқа давлатлар билан миграция соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузишга ҳаракат қилишмоқда. Конституциямизнинг 18-моддасида *“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”*, деб белгилаб қўйилиши давлат томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тайёр эканлигини кўрсатади. Ушбу норма давлат томонидан миграция соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиши учун ҳам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги, бундан ташқари, назарий, амалий ва ҳуқуқий мазмунга эга бўлган фактик ҳолатларни ўзида жамлаганлиги билан белгиланади. Ушбу ҳолатларнинг биринчиси Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек ишлаш ва бошқа мақсадларда чет мамлакатларга (асосан, Россия, Қозоғистон ва Жанубий Кореяга) чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони тобора ўсиб бораётганлиги ҳисобланади. Ушбу мигрантлар, хусусан иммигрантлар томонидан қонун талабларига амал қилмаслик Республикада ноқонуний миграциянинг таркибий қисмларидан бири сифатида узоқ вақтлардан бери давом этиб келмоқда.

Ноқонуний миграция мамлакатимизга ижтимоий-иқтисодий, демографик, шунингдек жиноий жиҳатдан ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида чет эл мигрантларининг меҳнатидан

фойдаланишда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши меҳнат миграцияси даражасининг кескин тушиб боришига сабаб бўлмоқда.

Прокурор назорати маълумотларига асосан, миграция соҳасидаги қонунийлик аҳволи қониқарли аҳволда эмас, ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари охириги 10 йиллик давомида доимий ўсиб бориш хусусиятига эга.

Мазкур шароитларда мамлакатда миграция назорати тизими самарасиз бўлиб қолмоқда ва миграция соҳасидаги салбий тенденцияларга қарши тегишли қаршилик кўрсата олмаяпти. Миграция соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органининг мавжуд эмаслиги натижасида давлат органлари ноқонуний миграцияни олдини олиш ва бартараф этишда ваколатлардан тўлиқ ҳажмда фойдалана олмаяпти ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эллик мигрантларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига оғишмасдан риоя қилишни таъминлай олмаяпти.

Миграция соҳасидаги ушбу муаммоларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг миграция сиёсатини амалга оширувчи механизми такомиллаштирилмаганлиги, юқорида айтиб ўтилганидек миграция сиёсати билан бир қанча давлат органлари шуғулланиши ва уларнинг ноқонуний миграцияга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳолатлари ҳам қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги шароитларда миграция соҳасида тизимлашган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг мавжуд эмаслиги ушбу соҳадаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳалигача мамлакатимизда миграция соҳасидаги масалалар қонун даражасида бўлмаган норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу омил эса ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан мигрантлар ҳуқуқларига зарар етказилишига шароит яратади.

Шу сабабдан, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органларининг роли қонунчиликнинг ижросини назорат қилиш орқали ошиб бормоқда. Бироқ, прокуратура органларининг фаолияти миграция соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга бўлган талабларга тўлақонли жавоб бермаяпти. Мазкур тадқиқот ишида миграция соҳасидаги прокуратура

органларининг фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек миграция қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари ўрганилади.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Мавзуни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича ҳали бирор диссертация ёки монография кўринишида тадқиқот иши қилинмаган. Қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш масалалари эса В.И. Басков, А.Ж. Давлетов, М. Эсанов, З.С. Ибрагимов, О.М. Мадалиев, Б.Х. Пўлатов, С.Ё. Полвонов, М.Х. Рустамбоев каби олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Уларда қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш умумий жиҳатдан ёндашилган бўлиб, айнан маълум бир соҳада прокурор назоратини ташкиллаштириш ишлари баён этилмаган. Бунинг акси ўлароқ, мамлакатимизда миграция соҳасининг тартибга солиш бўйича кўплаб илмий ишларга қўл урилган бўлиб, К.Ш. Арипова, Б.И. Эгамбердиева, Л.Х. Исоқов, Л.П. Максакова, Д.Н. Мўйдинов, Д.Х.Юлдашевлар томонидан ўрганилган. Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ишлари рус ҳуқуқшунослари Т.В. Ашиткова, И.С. Викторова, А.Ж. Макашева, М.В. Маматов, Р.Р. Сеченованинг илмий ишларида атрофлича ёритилган.

Миграция соҳасидаги қонунчиликнинг қониқарсиз аҳволи ва ушбу соҳадаги бошқа салбий фактлар миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратининг ҳозирги кундаги долзарб масалаларини илмий тадқиқ қилиш ва миграциявий қонунбузилишларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўйича прокуратура органлари фаолиятини ташкилий ва услубий такомиллаштириш, шунингдек мазкур соҳада қонунчиликка ўзгартириш киритиш йўли билан қонунчиликни такомиллаштириш эҳтиёжини туғдирмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади прокуратура органларининг мазкур соҳадаги назорат фаолиятининг илмий ва амалий масалаларини ўрганиш, миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, **тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Илмий адабиётларни, тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ва шу асосда ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуний таърифи ва махсус предметини шакллантириш;

2. Прокурор назорати амалиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш ва шу асосда миграция қонунчилигининг ижро қилиниш ҳолатига баҳо бериш;

3. **“Миграция”, “ноқонуний миграция”, “миграция муносабатлари иштирокчилари”, “миграция сиёсати”, “миграция соҳасида прокурор назорати”** тушунчаларининг таърифини ишлаб чиқиш;

4. Прокурор назоратини тақсиллаштириш ва самарадорлигини оширишни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

5. Миграция қонунчилиги бузилишларини аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш тактика ва усулларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

6. Миграция қонунчилигига тизимли характер бериш ва натижалар бўйича миграция қонунчилигига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг илмий вазифаси миграция муносабатлари соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асосий элементларини назарий-ҳуқуқий асослантиришда, унинг ўзига хос жиҳатлари ва мазмунини очиқ беришда, шунингдек прокурор назоратини ҳуқуқий тартибга солиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-амалий таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганида ифодаланади.

Тадқиқотнинг объекти – миграция соҳасидаги қонунчиликнинг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича прокурорнинг ваколатларини амалга ошириш чоғида юзага келадиган комплекс муносабатлар.

Тадқиқотнинг предмети – миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назорати, прокуратуранинг назорат фаолияти такомиллаштиришнинг долзарб назарий ва амалий масалалари, миграция соҳасидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ривожлантириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ушбу мавзуда биринчи мартаба тадқиқот ишига қўл урилганлиги. Яъни, миграцияга ҳуқуқий муносабатлари ҳақидаги тадқиқот ишларини ёзишга бир неча бор қўл урилган бўлса-да, айнан миграция соҳасидаги қонунчиликнинг ижроси устидан прокурор назорати бўйича тадқиқот иши ёзилмаган ва айнан шунинг учун тадқиқот ишимизнинг дастлабки илмий янгилиги шундан иборат;

- тадқиқот ишида миграция соҳасида ишлатиладиган асосий тушунчаларнинг таърифлари ишлаб чиқилган. Ушбу тушунчаларнинг таърифини ифодалаб берадиган Қонун даражасидаги бирор норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Шунингдек, бирор бир ҳуқуқ соҳасидаги дарсликда уларнинг таърифини топиш мушкул;

- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат институти қиёсий таҳлил асосида ёритиб берилган;

- қонун устуворлигини бир хилда таъминлаш бўйича қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектларини рўйхатини аниқ шакллантириш асослантирилган;

- Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда белгиланган прокуратура органларининг фаолият йўналишлари ўрганилиб, улар қаторига давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини таъминлаш мақсадида юқоридаги барча назорат йўналишлари бўйича масъул ва мансабдор шахсларнинг тақдим этган статистик маълумотларини объектив ва холис тарзда тўплаш, уларнинг ҳисобини юритиш, ҳуқуқий статистиканинг махсус рўйхатини юритишни назорат қилиш масаласи ёритилган;

- Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган назарий қоидалар ва амалий таклифлар асослантирилган ҳолда тадқиқот амалга оширилган.

Тадқиқот ишида илмий соҳадаги тадқиқотлар ва прокурор назорати материаллари таҳлил қилиниб, биринчи марта қуйидаги янгиликларни ўз ичига олувчи бир қатор илмий ва амалий таклифлар шакллантирилган:

Миграция соҳасидаги қонунийлик ҳолати;

Прокурор назоратининг предмети ва доирасининг ўзига хос хусусиятлари;

Миграция муносабатларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, миграция соҳасидаги қонунбузилишларини аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш тактика ва усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти тадқиқот ишида муаллиф томонидан мигрантлар ҳуқуқларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор назорати назария ва амалиётини ривожлантиришдаги замонавий муаммолар ечими сифатида прокурор назоратининг предмети, доиралари, прокурор назоратини ташкиллаштиришнинг илмий ва амалий хусусиятлари бўйича аниқ хулосалар ва таклифлар тайёрланган. Улар прокуратура органларининг миграция соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, миграция соҳасидаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш мақсадларида фойдаланиши мумкин

Тадқиқотнинг тузилиши. Тадқиқот иши 110 бетдан иборат бўлиб, кириш, учта боб, олтига параграф, хулоса, шунингдек фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I БОБ. МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1-§. Миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратининг мазмунини (предмети, объекти, мақсад ва вазифалари)

Мамлакат ҳудудида қонунларнинг бир хилда ва тўлиқ ижро қилиниши устидан назорат қилиш прокуратура органларининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Прокуратура деярли барча давлатларда мавжуд бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти давлатнинг эрки, тузуми, мафкурасини ўзида ифода этувчи қонунлар моҳияти билан белгиланиб келинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”¹.

М.О. Мадалиев айтганидек, прокуратура органларининг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳамма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар чекланган ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунларга - риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокуратуранинг ваколатлари универсал характерга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун соҳасига қўлланилади².

Ўзларига юклатилган мазкур масъулиятли вазифани амалга оширишда прокуратура органлари фаолиятининг бир йўналиши бўлган прокурор назорати муҳим ўрин эгаллайди.

¹ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм.) Т.: «ILM ZIYO», 2012. – Б. 42.

² Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 48.

“Прокурор назорати дейилганида, Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади”¹.

Прокурор назоратининг предмети аниқлашда аввало, ушбу сўзнинг луғавий маъносини билиб олишимиз керак. “Предмет” атамаси қуйидагича маънони англатади: предмет – “бирор-бир хатти-ҳаракат йўналтирилган нарсадир”².

Профессор Б.В.Кобейников *прокурор назорати предмети* тушунчасига аниқлик ва тўлиқлик киритиш ҳақида тўхталиб, “прокурор назорати предмети тушунчаси масаласида юридик адабиётларда турли хил тушунчалар ва хилма-хил фикрларнинг мавжудлиги прокурор назоратини тўғри тушунишда қийинчиликларни вужудга келтиришини таъкидлаган”³.

Шунингдек, профессор А.П.Сафонов *прокурор назорати предмети* тушунчасини қуйидагича тушунтиради: “прокурор назоратининг предмети унинг функциялари каби бўлиши керак. Прокурор назоратини предмети аниқлаштириш прокуратура фаолияти ва у қамраб оладиган масалалар характерини кўрсатишни англатади”⁴.

С.А.Емельянов прокурор назоратининг предмети ҳақида ўз нуқтаи назарини илгари суриб, “прокурор назоратининг предмети – қонун бузилишларини ва уларга сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш, қонун бузилишларини олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларни қабул қилишни ташкил қилади”⁵.

¹ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.10.

² Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.: 1975. – С. 401.

³ Коробейников Б.В. Правовое регулирование предмета общего надзора. В кН. «Совершенствование правового регулирования прокурорского надзора в СССР». М. 1976. – С. 96.

⁴ Сафонов А.П. Сущность и пределы прокурорского надзора за соблюдением законодательства в местах лишения свободы. Сб. «Вопросы прокурорского надзора». М. 1972. – С. 141, 156

⁵ Емельянов С.А. Предупреждение правонарушений средствами общего надзора прокуратуры. М. 1980. – С.17

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, Б.М.Спиридов, “назорат предмети – прокурор ўз вазифаларини самарали бажариши учун қилиши керак бўлган нарса”¹, деган фикрни илгари сурган. Ушбу назарияга яқин фикрларни В.Г. Велкумов² ва бошқа олимлар ҳам тасдиқлашган.

А.Х.Казарина прокурор назоратининг предмети тўғрисидаги турлича нуқтаи назарларни умумлаштирган ҳолда, “...баъзи илмий адабиётларда; прокурор назоратининг вазифалари билан прокурор назоратининг предметини ва шунингдек, прокурор назоратининг предмети билан объектиини аниқлаштиришда чалкашликларга йўл қўйишади”³.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда берилган прокурор назорати субъекти билан ушбу соҳадаги кўпчилик тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарлари бир-бирига жуда яқиндир.

Прокуратура тўғрисидаги қонунчилик прокуратуранинг назорат функцияси билан қонунларнинг ижро этилишидаги ўзаро боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Прокурор назорати соҳасидаги айрим мутахассислар томонидан ижро устидан назорат предмети фақатгина қонунларга тааллуқлиги, қонуности ҳужжатларига татбиқ қилинмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам айтиб ўтилган⁴.

Лекин олимлар орасида қонуности ҳужжатлар (ҳукумат қарорлари, вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ва бошқалар) ижроси прокурор назоратининг предметиға кириш-кирмаслиги борасида ягона фикр мавжуж эмас. Бир гуруҳ олимларнинг фикриға кўра, прокурор назорати Низом ва бошқа идоравий низомлардан бирортасини ижро этишға татбиқ этилмайди. Уларнинг ижросини назорат қилиш бошқа органлар томонидан назорат қилиниши керак, прокуратура томонидан эмас, деган фикрлар мавжуд⁵.

¹ Спиридонов Б.М. Прокурорский надзор за исполнением законности в исправительно-трудовых учреждениях. М. 1978. – С. 127.

² Мелкумов В.Г. Советская прокуратура и проблемы общего надзора. Душанбе. 1970. – С. 112.

³ Козлов А.Ф. О пределах общего надзора. Социалистическая законность. 1975. №5. – С. 51.

⁴ Ястребов В.Б. Прокурорский надзор. Учебник. М. 2001. – С. 168.

⁵ Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. С. 187; Комментарий к закону «О прокуратуре Российской Федерации», под ред. Ю.И. Скуратова. М. 2001. – С. 102.

Бошқа гуруҳ тарафдорлари эса, агар қонуности ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун асосида амалга оширилса ва ўзида қонунда назарда тутилган нормаларни қўллаш механизмини ифода этса, қонуности ҳужжатлари ижроси устидан ҳам прокурор назорати ўрнатилиши қонуний бўлиши ҳақидаги фикрни олға суришади¹.

Профессор А.Ю.Винокуровга кўра, “баъзида Президент ва Ҳукумат томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий ва ягона манбаси бўлади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, унинг фикрига кўра, прокурор назоратидан четда қолдириб бўлмайди².

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида мустақамлаб қўйилган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar”, деган нормадаги “қонунларнинг” деган сўзни нафақат қонунларга нисбатан, балки умумий маънода қонунчиликка нисбатан деб тушуниш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аслида, прокурорлар қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишади.

Тадқиқот ишини ёзиш давомида ўрганилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда прокурор назорати амалиёти Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларини кенг шарҳлаш орқали шакллланган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг *“Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”*ги 24.11.2017 йилдаги **166-сонли** буйруғи, *“Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”*ги

¹ Чувилев А.А. Прокурорский надзор: вопросы и ответы. М. 1999. С. 7-8; Чурилов А., Лукашев В. О новых подходах к организации прокурорских проверок. Законность. 1993. №8; Козлов А.Ф. О сущности прокурорского надзора в СССР. Свердловск. 1979. – С. 14.; Даев В.Г. Задачи и объект прокурорского надзора в условиях перестройки. Материал заседания координационного бюро по проблемам прокурорского надзора. М. 1990. – С.13-15.

² Винокуров А.Ю. Проблемы прокурорского надзора за исполнением природоохранного законодательства. Дис. ... докт. юрид. наук М. 2007. – С. 29-30.

11.09.2017 йилдаги **139-сонли**, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг *“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”*ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 25.09.2017 йилдаги **143-сонли**, “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 07.11.2017 йилдаги **160-сонли** Буйруқларида **“қонунчилик ижроси устидан назорат”** тушунчаси кенг қўлланилганлигини кўришимиз мумкин.

Прокуратура амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, қонунлар ижросини текшириш вақтида қонунлар асосида ва уларнинг ижро қилиниши юзасидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларига эътибор қаратиш миграция қонунчилиги талабларини бажариш бўйича назорат текширувларини тўлиқ ва юқори даражага етказишнинг кафолатидир. Маълумки, прокурор назоратининг предмети “қонунлар” билан чекланган. Шу сабабдан, прокурор назорати фанида кўп бора “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурор назоратининг предмети кенгайтириш фавкулотда муҳим эканлиги ҳақида кўп бора таъкидаланади¹.

Фикримизча, “қонунлар ижроси” тушунчасининг ўрнига “қонунчилик ижроси” тушунчасини қонунчиликка киритиш прокуратура органларига уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун уларга янада кўпроқ ваколатлар беради.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, прокурор назоратининг предмети кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси 2-қисмида *“қонунларнинг ижроси”* сўзларидан кейин *“шунингдек, тегишли муносабатлар соҳасини тартибга солувчи қонунлар асосида ва уларнинг ижро этилиши учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив хусусиятдаги Фармонлари ва Вазирлар*

¹ Басков В.И., Коробейников Б.В. Курс прокурорского надзора: Учебник для ВУЗов. М.; 2001. – С. 109.

Маҳкамасининг бошқа қонуности ҳужжатлари” деган сўзларнинг кўшилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида прокурор юридик адабиётларда прокурор назоратининг “соҳаси” деб номланадиган чегарада ҳаракат қилишади. Ушбу доирада амал қилиш ва ундан чиқиб кетмаслик жуда муҳимдир. Сабаби, ушбу чегарадан чиқиш прокурорлар ишини ташкил қилишда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаришади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари қуйидаги йўналишларда ўз фаолиятларини амалга оширишлари кўрсатилган:

- вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;
- фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;
- судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;
- ушлаб турилганларни, камоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Б.Х. Пўлатов, ушбу санаб ўтилган прокуратура фаолияти йўналишларининг аксарияти прокурор назорати соҳалари ҳисобланади ёки прокуратуранинг мустақил функциясини ташкил этишини, айтган.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг (янги таҳрири) 3- ва 4- бўлимларида қайд қилинган прокурор назорати соҳалари, унинг давлат фаолияти органлари ва мансабдор шахслар томонидан бажариладиган махсус функциялар ва ҳар бир соҳадаги ҳал қилинадиган вазифаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади¹.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети билан прокурор назоратининг соҳаси тушунчаси амалий ва назарий жиҳатлардан кўп томонлама узвий боғлиқдир.

Прокурор назоратининг соҳаси масаласида яқдиллик йўқ. Прокурор назоратининг соҳасининг ўзи прокурор томонидан ўз ваколатларини амалга оширишга асос бўлиб, қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа хабарлар хизмат қилиши кераклигини айтиб турибди².

¹ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б.14.

² Гушин В.З. Прокурорский надзор за соблюдением конституционного права на объединение. М. 1998. – С. 98.

В.Г.Даев ва М.Н.Маршуновларнинг фикрига кўра эса, прокурор назоратининг соҳаси - прокурорларнинг ваколатларини ҳажмини аниқлаб берувчи категория¹.

Фикримизча, ҳозирги шароитда ушбу муҳим масалага аниқ ва мақбул таъриф профессор А.Д.Берензоном томонидан берилган. Унинг фикрига кўра, прокурор назоратининг соҳаси амалда қуйидаги соҳаларда амалга оширилади: Назорат амалга ошириладиган ташкилотлар соҳасига;

Прокурорларга ижросини назорат қилиш юклатилган ҳужжатлар соҳасига;

Қонунлар ижроси устидан умумий назорат характеридаги ишлар соҳасига;

Қонунларнинг бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш бўйича прокурор мажбуриятларини амалга ошириш бўйича².

Шундай қилиб, юқорида айтилган назарий тахминлардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини таҳлил қилган ҳолда, тақлиф берамиз: “миграция соҳасидаги прокурор назоратининг соҳаси, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миграция муносабатларини тартибга солувчи халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миграция қонунчилигини ижроси учун қабул қилинган қонуности ҳужжатлари билан белгиланиши керак. Шу ўринда, яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу соҳада ҳали алоҳида қонун ишлаб чиқилмаганлиги миграция соҳасида прокурор назоратининг соҳасини белгилашда қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги Қонунини қабул қилишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

¹ Даев в.Г., Маршунов М.Н. Основы теории прокурорского надзора. Л. 1990. – С. 63-64.

² Берензон А.Д. Основные направления совершенствования общего надзора советской прокуратуры. Автореферат Дис. ... докт. юрид. наук. М. 1977. – С. 9.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, прокурор назорати тушунчасининг аҳамитига тўхталиб, профессор В.Б.Ястребов “қонунлар ижроси устидан назорат давлат томонидан у учун жуда муҳим бўлган соҳа – қонунийликни таъминлашда амалга ошириладиган назоратнинг самарали ва изчил шаклидир. Қонунларнинг устуворилигига асосланиб, унга аниқ ва оғишмасдан амал қилиш, шахсни, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг бош ва асосий мақсадидир”¹.

Қонунчилигимизга асосан, миграция соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мазмуни қуйидагиларда ўз аксини топади:

-миграция қонунчилигининг бузилиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш; қонун бузилиши ҳолларида бунга айбдор бўлган шахсларни, энг аввало, мигрантларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинларига риоя қилмайдиган шахсларни аниқлашнинг шартлилиги;

-қонунчилик, биринчи навбатда, миграция соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлашнинг муҳимлиги;

-миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф қилиш, шу каби қонунбузилишларига олиб келадиган сабаб ва шароитларни бартараф қилишга қаратилган чораларнинг прокуратура органлари томонидан қўлланилиши;

-мигрантларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузган шахсларни шартсиз жавобгарликка тортиш;

-ҳуқуқбузарликлар оқибатида муайян фуқаролар ва ташкилотларга етказилган зарарни қоплаш масаласини мажбурий белгилаш.

Тадқиқот ишимиз шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда миграция қонунчилигининг ижроси устидан *прокурор назоратининг махсус вазифалари* прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

¹ Ястребов В.Б. Надзор за исполнением законов как основная функция прокуратуры. Проблемы совершенствования прокурорского надзора. Материалы научно-практической конференции. М.: НИИ проблем укрепления законности и правопорядка. 1997. – С. 18.

Шундай қилиб, миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, ўз моҳиятига кўра, миграция соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги талабларининг ҳар қандай бузилишларини тўлиқ ва ўз вақтида аниқлаш, баргараф этиш, йўқ қилиш ва олдини олишга қаратилган прокурорнинг функционал фаолияти кўринишида намоён бўлади.

Миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларини янада аниқроқ тушунишимиз учун Ўзбекистон прокуратурасининг фаолиятининг мазкур йўналишининг асосий мақсад ва вазифаларини кўриб чиқишимиз лозим.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мақсад сўзига қуйидагича таъриф берилади: “Мақсад – эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурад, муддао”¹. Кўплаб олимларнинг фикрича, прокурор назоратининг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва прокуратура органлари фаолиятининг тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган ва прокуратура органлари томонидан эришиш кўзланган натижадир, десак муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга, прокуратура амалиётидан маълумки, прокуратура органларининг назорат тадбирлари юқори самарадорликка эришишлари учун аниқ мақсадли характердаги вазифаларни белгилаб олишлари керак бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика

¹ Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2010 й. – Б. 571.

қилишдан иборат. Мазкур вазифалар Конституциянинг 118-моддасидан келиб чиқиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадilar. Бу прокуратура органлари фаолиятида назоратнинг барча йўналишлари ва соҳаларини бутунлигича, шунингдек, прокурорлик фаолиятининг алоҳида жиҳатларини ҳам қамраб олади”¹.

С. И. Озеговнинг сўзларига кўра, вазифа – бу ижро этишни ва қилишни талаб қиладиган нарсадир². Олимнинг ушбу таърифи кўпчилик юрист-олимларнинг диссертация ишимизда юритилаётган прокурор назоратнинг вазифаси таърифларига жуда мосдир. Прокурор назоратининг умумий вазифалари прокуратура фаолиятининг алоҳида йўналишларига, хусусан, миграция соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига қараб тобора хусусийлашиб боради.

Деярли барча тадқиқотчилар прокуратура назорати бўйича прокуратура фаолиятининг мақсадлалрига кўра, уларнинг олдида турган вазифалар анча кўплиги ва улар ўз даражаси, мазмуни, ҳал қилиш воситалари ва ушбу вазифаларни белгилаш ва ҳал қилиш ваколатларига кўра фарқланиши тўғрисида хулосага келишган.

Фикримизча, ушбу масалада В.Г.Бессарабовнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Унинг айтишича, қонунлар ижросини амалга оширишда прокурор назоратнинг вазифаларини доимий қилиб белгилаб қўйиб бўлмайди, улар давлат ва жамиятда содир бўладиган иқтисодий, ижтисоий-сиёсий жараёнлар натижасида ўзгариб туради³.

Профессор Ю.Е.Винокуров қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг вазифаларини қуйидагилардан иборатлигини айтади:

¹ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. – Т.: 2008. – Б. 40.

² Ожегов С.И. Словарь русского языка, под ред. Н.Ю. Шведовой М. 2005. – С 203.

³ Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. – С. 189-190.

-қонун бузилишлари тўғрисида хабарлар келиб тушганда прокурор аралашувининг лозимлиги;

-қонун бузилишларини олдини олишда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати амалга оширилишида уларга берилган барча имкониятлардан самарали ва кенгрок фойдаланиш;

-ҳуқуқбузарликлар содир этилганда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини янада фаол амалга ошириш¹.

Диссертация ишини ёзиш жараёнида ўрганилган материаллар асосида миграция соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг асосий мақсадлари қуйидагилар, деган хулосага келдик:

-Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний бўлиш, эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқларига риоя қилиниши;

-миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ижро этиш;

-миграция муносабатлари соҳасида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш;

-миграция соҳасида жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимояси.

Ушбу юқорида кўриб чиққанemiz – мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, диссертация ишимизда прокурорларнинг ўз олдига қўйган ушбу мақсадларини бажаришда ўз фаолиятларида прокурор ҳал қиладиган масалаларнинг жамланмаси сифатида миграция қонунчилигини ижро қилиниши юзасидан прокурор назоратининг вазифалари хусусиятларини аниқлаймиз. Ушбу вазифалар соҳасига қуйидаги вазифаларни киритишимиз мумкин:

¹ Прокурорский надзор. под ред. Ю.Е. Винокурова. М. 2007. – С. 119-120.

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни дарҳол бартараф этиш юзасидан зарур чораларни қабул қилиш;

-миграция қонунчилигига риоя қилиниши соҳасида назорат ваколатлари берилган ижро ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликка риоя қилинишини назорат қилишни амалга ошириш;

-барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан миграция қонунчилигининг амал қилиниши устидан юқори савиядаги назорат текширувларини ўтказиш;

-миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгар шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича чора-тадбирларни сўзсиз таъминлаш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш.

Миграция муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ва соҳаси, асосий мақсад ва вазифалари тушунчаси ва аҳамиятини сарҳисоб қилиб, аниқ бир хулосалар чиқарсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикасининг миграция қонунчилигига риоя қилиниши устидан прокурор назорати жуда долзарб, давлат учун ўта муҳим ва жамият ва давлатга жуда керак бўлган прокуратура фаолиятидир. Ушбу фаолиятнинг долзаблиги, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси билан МДҲ давлатлари, шунингдек, бошқа давлатлар ўртасидаги миграция жараёнларининг доимий равишда фаоллашиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Кўплаб мигрантлар ҳозирги шароитда ўз ҳуқуқларидан, айниқса конституциявий ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб қолишади ва бунинг натижасида қонунда турли хил бузилишлар содир бўлади. Бундай шароитда айнан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашда, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда барча керакли ваколатларга эгалик қилади. Юқорида баён қилинган назарий қоидалар прокуратуранинг назорат функциясини янада такомиллаштириш учун назорат фаолиятининг асосий мақсадларига эриштирадиган ва

вазифаларини амалга оширишни такомиллаштирадиган самарали восита бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда, мақоламизда кўриб чиққанларимиз асосида куйидагича таклифларни берамиз:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида айтилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, деган нормадаги “қонунларнинг” жумласини “қонунлар ва норматив характердаги қонуности ҳужжатларини” деб кенг тушунишни;

Қонун ҳужжатларида прокуратура фаолияти ҳақидаги “қонунлар ижроси устидан назорат” ўрнига “қонунчилик ижроси устидан назорат” жумласини киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш.

2-§. Миграция соҳасидаги қонунчиликнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг: “Бугун биз камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапиряпмиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескинлик касб этмоқда. Бу ва бошқа мураккаб масалаларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақа келажаги учун катта хавф солмоқда”¹, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Сўнгги йилларда фанда турли йўналишлар бўйича миграция мавзусида тадқиқот ишларини олиб бориш доимий равишда ўсиб бормоқда.

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – Б. 279.

Миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи қонунчилик асосини кўриб чиқишдан аввал, биринчи навбатда, *“миграция сиёсати”* тушунчасини аниқлаштириш ва унинг миграция муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик базасини шакллантиришдаги аҳамиятини очиқ бериш керак бўлади. “Сиёсат (юнонча “политика” – “жамиятни бошқариш санъати”) давлат ҳокимиятини амалга оширишга йўналтирилган ижтимоий фаолиятни, мамлакат ичкарисидаги ва хорижий давлатлар билан муносабатлардаги давлат фаолиятининг муайян йўналиши ва тарзини ҳам англатади”¹.

Миграция сиёсатининг таҳлили бўйича Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда кўплаб олимлар илмий ишлар қилишган. Тадқиқотчи Л.Исоқовнинг таъкидлашича, “Миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳаси давлат бошқарувида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар доирасидаги маъмурий ҳуқуқ нормаларининг таъсирига асосланган ҳуқуқий тартибга солишнинг бир тури ҳисобланади. Одатда миграция соҳасидаги давлат бошқаруви миграция жараёни билан ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар тизимини ифодалайди”².

Рус олими Г.Е. Алексеев эса миграция сиёсатини миграция жараёнларини самарали тартибга солувчи комплекс сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий, ахборот-таҳлилий тадбирларнинг амалга ошириша йўналтирилган давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг мақсадли фаолияти сифатида таърифлайди³.

Давлатнинг миграция сиёсати бўйича юқорида айтилган таърифларига қўшилган ҳолда, шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, ушбу борада тадқиқотчи олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. С.Е.Метелёв миграция сиёсатига

¹ Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б.14.

² Исоқов, Л.И. Миграция соҳасидаги давлат бошқаруви. Монография / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир А.Саидов. – Тошкент: “Yosh kuch”, 2019. – Б. 14.

³ Алексеев. Г.Е. Современная российская миграционная политика: правовое обеспечение региональных интересов: Дис. ...канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону. 2004. – С. 26-27.

нисбатан бошқача таъриф беради. У “давлатнинг миграция сиёсати”ни ишчи кучининг экспорт ва импорт оқимларини тартибга солувчи давлат фаолиятининг мақсадли йўналиши сифатида таърифлайди¹.

Фикримизча, олимнинг ушбу фикрига қўшилиб бўлмайди. Сабаби, маълумки, ишчи кучининг экспорт ва импорти миграция жараёнларининг бир қисми бўлиб, юқоридаги таъриф эса миграция сиёсатининг фақатгина ушбу қисмини камраб олиши юзасидан, миграция сиёсатининг мазмунини тўлиқ ёритиб беролмайди.

Шундай қилиб, миграция сиёсати ҳақида олимларнинг фикрларини ўрганган ҳолда, қуйидагича хулоса чиқарамиз:

Миграция сиёсати миграция муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган давлат фаолиятининг бир кўриниши.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикасининг миграция сиёсати дейилганда, мамлакатнинг барқарор демографик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминлаш, шунингдек, миллий хавфсизликни таъминлаш, миграция муносабатлари барча иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва назорат тадбирларини ўтказишга қаратилган давлат сиёсатининг бир йўналиши сифатида тушуниш керак.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишда иммиграция сиёсатининг аҳамияти барқарор ошиб бормоқда. Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдонга кўпроқ кириб бориши ва кўплаб давлатлар билан халқаро алоқаларни ўрнатиши билан тавсифланади.

¹ Метелёв С.Е. Международная миграция и её влияние на социально-экономическое развитие России: учебное пособие. М. 2007. – С. 93.

Ҳуқуқий мазмуни нуқтаи назаридан “иммиграция” чет эл фуқаросининг вақтинча ёки доимий яшаш учун мамлакатга кириб келиши сифатида тушунилади¹.

Шунга асосан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг иммиграция сиёсати – иммиграция жараёнларини самарали тартибга солишни таъминлаш мақсадида сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва назорат тадбирларини давлат ҳокимияти органлари томонидан белгилаш ва амалга оширишга қаратилган миграция сиёсатининг бир йўналишидир.

Миграция жараёнларида миллий хавфсизлик масалалари жиддий аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам, миграция муносабатларига бағишланган илмий адабиётларда махсус йўналиш пайдо бўлиб, у миграциявий муносабатларнинг миллий хавфсизликка таъсир кўрсатишини тадқиқ қилади².

Ўзбекистоннинг иммиграция сиёсатининг ҳозирги ҳолатдаги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иммиграция сиёсати ҳали анча такомиллаштирилиши керак. Ушбу кенг масштабли стратегик дастурларни амалга ошириш қўшимча ресурсларни жалб қилган ҳолда комплекс ёндашишни талаб этади. Бунда амалдаги миграцияга оид қонунчиликдаги иммиграция сиёсатининг стратегик йўналишини белгилаб қўйиш муҳимдир.

Ушбу соҳадаги муносабатлар соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳақидаги масалани кўриб чиқиш, назаримизда, бир қанча сабабларга кўра, биринчи даражали аҳамият касб этади. Қонунчиликдаги камчиликлар бир тарафдан жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни содир этилишига имконият яратиб берса, бошқа тарафдан миграция соҳасидаги ҳуқуқни қўлловчи ва назорат қилувчи давлат органлари томонидан “ўзбошимчалик”лар содир этишига имконият беради. Миграция муносабатларини тартибга солувчи миллий қонунчилигимизнинг таҳлили

¹ Большой юридический словарь, изд. 3-е, доп. и перераб. под ред. проф. А. Я. Сухарева. М.: ИНФРА-М., 2007. – С. 119.

² Попов Г.Г. Миграционная безопасность России: институционально-правовой анализ: Дис... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону. 2006. – С. 58-60.

мавжуд камчиликларни аниқлашга ва миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида қонунчиликни оптималлаштириш бўйича таклифларни шакллантириш имконини беради.

Тадқиқот ишимиз кўрсатмоқдаки, миграция жараёнлари асосий босқичларини тартибга солишдаги қонунчиликнинг энг муҳим муаммоларидан бири миграция қонунчилигидан ушбу соҳани тартибга солиш учун асосий ҳуқуқий тушунчаларнинг таърифи мавжуд, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак мазкур тушунчаларни белгилаб берадиган қонун мавжуд эмас. Қонунчиликда асосий ҳуқуқий тушунчаларнинг йўқлиги миграция қонунчилиги нормаларининг турлича талқин қилинишига олиб келади. Бу муаммо ҳам бориб миграция соҳасини тартибга солувчи алоҳида қонунларнинг қабул қилинмаганлигига бориб тақалади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [*lot. migratio* – *бир жойдан бошқа жойга кўчиш*] аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши ёки кўчириш деган маънони англатиши айтилган¹.

Юридик адабиётларда эса, “**миграция**” атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, “**migratio**” – **кўчаман** дегани бўлиб, яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ равишда аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши сифатида кўрсатилади².

Л.Л. Рибакровский миграция атамасини “давомийлиги ва кўзланган мақсадидан қатъий назар бир аҳоли пунктдан иккинчисига ёки бир маъмурий-худудий бирликдан бошқасига кўчиб ўтиш”, деб айтади.

Аҳоли миграцияси турли мақсадларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, ўқиш ёки меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадини кўзлаб, доимий ёки вақтинчалик муддатда яшаш жойи ўзгартирилиши мумкин. Лекин, фикримизга кўра, яшаш жойи ўзгартирилишининг ўзи миграциянинг

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси». – Т.: 2006-2008. – Б. 588-589.

² Большая советская энциклопедия. М.: Советская энциклопедия, 1978. – С. 274.

мақсади бўла олмайди, у миграциянинг ажралмас белгиси ҳисобланади. Миграция мақсадларини фақат ўқиш учун ёки меҳнат миграцияси билан чегаралаб қўйиш ноўрин бўлади, чунки номидан ҳам маълумки, булар миграциянинг фақат ўқиш ва меҳнат мақсадларинигина қамраб олади. Айни вақтда, баъзи муаллифлар миграциянинг бошқа турларини ҳам ажратишади, мисол учун, иштирокчилари давлат иқтисодиётига ўз молиявий маблағларини ва интеллектуал имкониятларини тикаётган тадбиркорлар бўлган “бизнес-миграция” ёки давомли ночорлик, ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий сабаблар ёки миллий белгиларига кўра таъқибга учраш натижасида кўчишга мажбур бўлиш оқибати бўлган “мажбурий миграция” каби турлари ҳам мавжуд¹.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, шундай хулосага келишимиз мумкинки, миграциянинг барча мақсадларини санаб кўрсатиш мумкин эмас. Бу борада К.Д.Галиахметованинг таърифи миграциянинг барча мақсадларини ўзида ифода этади. “Миграция мигрантларнинг ўз шахсий манфаатларига эришиш учун амалга оширилади”². Мазкур таъриф миграция мақсадлари учун нисбатан умумий бўла олади, сабаби ушбу таъриф миграциянинг эҳтимолий мақсадларини ўзида қамраб олган. Фикримизча, ҳуқуқий нуқтаи назардан, миграция мақсадларининг асосий шарти унинг ҳуқуққа хилоф бўлмаслиги. Яъни, миграциянинг мақсадлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаслиги керак.

Шундай қилиб, “**миграция**” атамасини жисмоний шахснинг бир давлатдан бошқасига ёки давлатнинг бир маъмурий-ҳудудий бирлигидан бошқасига кўчиши билан боғлиқ бўлган ҳудудий кўчиши сифатида тушунишимиз мумкин. Бунда яшаш жойини доимий ёки вақтинча муддатга ўзгартиришининг аҳамияти йўқ.

¹ Метелёв С.Е. Международная миграция и её влияние на социально-экономическое развитие России: учебное пособие. М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право. 2007. – С. 308-309.

² Галиахметова К.Д. Конституционно-правовое регулирование положения мигрантов в Российской Федерации. дис. ... канд. юрид. наук. М. 2006. – С. 52.

“Миграция ҳуқуқий муносабатлари” тушунчасини аниқлаштириш ҳам жуда муҳимдир. *Ҳуқуқий муносабатлар* деганда, иштирокчилари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган жамоавий муносабатлар тушунилади.

“Ҳуқуқий муносабатлар – бу ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган бир қисми бўлиб, уларнинг субъектлари субъектив ҳуқуқ ва субъектив юридик мажбуриятларга эга бўладилар. Ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши учун **моддий асослар** (томонларнинг хоҳиш-истаги, манфаати) ва **юридик асослар** (мазкур ижтимоий муносабатни тартибга солинадиган тегишли ҳуқуқ нормасининг мавжудлиги; томонларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлиги; юридик фактнинг мавжудлиги) бўлиши лозим”¹.

Миграция муносабатларини мазкур муносабатлар ва унинг ҳуқуқий тартибга солинишининг комплекс характери билан тушунтириш қийин. Миграция муносабатлари жисмоний шахсларининг бир давлат ҳудудидан бошқасига кўчиши ёки бир давлатнинг маъмурий ҳудудий бирликлари бўйлаб кўчишинигина қамраб олмайди. Шунингдек, унинг иштирокчиларига махсус ҳуқуқий мақом бериб, мазкур ҳуқуқий мақомни амалга ошириши учун барча керакли имкониятлардан фойдаланишга рухсат беради.

“Миграция муносабатларининг иштирокчилари” тушунчасининг юридик мазмуни ва унинг **“мигрант”** тушунчаси билан муносабати аниқлаштириш ҳам жуда муҳимдир.

Л.В.Андриченко “мигрант” тушунчасини “яшаш жойини доимий ёки вақтинча ўзгартириб, ўрнатилган маъмурий ёки давлат чегараси орқали ҳаракатланувчи жисмоний шахс” сифатида кўрсатади².

Ушбу таърифга қўшилган ҳолда, “мигрант” тушунчасини қуйидагича таърифлашни таклиф этамиз: “мигрант – ўз қонуний манфаатларини амалга

¹ Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 170.

² Андриченко Л.В. Миграция и национальная безопасность: проблемы законодательного регулирования. Федерализм. 2004. № 3. – С. 146.

ошириш мақсадида давлат ёки маъмурий-худудий чегаралар орқали ҳаракатланишни амалга оширувчи жисмоний шахс”.

“Миграция муносабатлари иштирокчилари” тушунчасини “мигрант”га нисбатан кенгроқ тушуниш керак. Сабаби, миграция муносабатларининг иштирокчилари деганда, мигрантлардан ташқари, миграция муносабатларини тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари ва миграция соҳасида ваколатли бўлган назорат органлари ҳам тушунилади. Шунингдек, миграция муносабатларининг иштирокчилари юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин, масалан, юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи мигрантларга иш берувчилар.

Шулардан келиб чиқиб, фикримизча, миграция муносабатларининг иштирокчилари (субъектлари) сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- **жисмоний шахслар** – ўзининг қонуний манфаатларини амалга ошириш мақсадида яшаш жойини доимий ёки вақтинча муддатга ўзгартириб, давлат ёки маъмурий-худудий чегараларни кесиб ўтиб ҳаракатланувчи ва натижада, ҳуқуқий мақомини ҳам ўзгартишига сабаб бўлувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

- **юридик шахслар** – Ўзбекистон Республикасининг миграция қонунчилиги нормаларини қўллаш бўйича қонун билан ваколатларга эга бўлган давлат органлари.

Юқорида келтириб ўтилган тавсифимиз миграция соҳасида катта амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин, чунки у ўзида ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари, шунингдек, мазкур соҳада прокурор назоратининг объектлари бўлган юридик шахсларни кўрсатиб беради.

Бундан ташқари, миграциянинг яна бир тури борки, унда миграция қонунга зид равишда амалга оширилади ва у “**ноқонуний миграция**” деб аталади. “Ноқонуний миграция” тушунчасини ҳам ҳуқуқий асословчи

нормани ўрнатиш ноқонуний миграциянинг олдини олишга ёрдам берадиган асосий омиллардан биридир.

Ноқонуний миграциянинг тавсифи илмий ва махсус адабиётларда турлича ифодаланганлиги боис, ҳозиргача унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Хусусан, М.И.Баранникнинг фикрича, *ноқонуний миграция* – шахснинг ўзга мамлакатга бориши ёки яшаш манзилини тарк этиши, ўз ҳудудидаги хорижий фуқароларни ноқонуний йўллар билан киритиш, транзит қилиш ва қонунга хилоф равишда бошқа мамлакатга чиқиш билан боғлиқ жараён сифатида таърифлайди¹. Профессор В.Н.Сумароков эса, шахснинг чет элга чиқиши ва иккинчи мамлакат ҳудудида бўлиши қонуний асосларда вужудга келса-да, бироқ унинг мамлакатга қонунга хилоф равишда кириши ҳам ноқонуний миграция сифатида баҳолаган². Шунингдек, ҳуқуқшунос А.Н.Шкилев ноқонуний миграцияни аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва демографик омиллар таъсирида халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик талабларига зид бўлган ҳудудий ҳаракати деб таърифлаган³.

Тадқиқотчи Б.И. Эгамбердиевнинг фикрига кўра, *ноқонуний миграция* Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган республика ҳудудига кириш, бўлиш ва ундан чиқиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш тартибларини бузган ҳолда ҳаракатланиши сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади⁴.

Юқорида айтилган таърифларга тўлиқ қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, ноқонуний миграция – Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг халқаро ва миллий қонунчиликда белгиланган давлатдан чиқиш, унинг ҳудудида бўлиш ва ундан

¹ Баранник М.И. Криминологические и правовые проблемы борьбы с незаконной миграцией. Владивостокский центр по изучению организованной преступности. – Владивосток, 2002. – С. 82.

² Сумароков В.Н. Нелегальная миграция как угроза национальной безопасности российской федерации: понятие, содержание, причины возникновения, направления противодействия //Transport Business in Russia., №1 2014. – С. 90-92.

³ Шкилев А.Н. Миграция: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Авто. дисс. ... канд. юрид. наук. Нижний Новгород, 2006. – С. 12.

⁴ Эгамбердиев Б.И.: Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш. Авто. дисс. ... юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). Тошкент, 2021. – Б. 36.

чиқиш, шунингдек, унинг ҳудудидан транзит ўтиш қоидаларининг белгиланган тартибини бузиш ҳисобланади.

Ноқонуний миграция субъектлари қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

А) Ноқонуний эмигрантлар – Ўзбекистон Республикаси чегарасидан бошқа давлатларга ноқонуний чиқиб кетувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

В) Ноқонуний иммигрантлар:

- сохта ҳужжатлар билан ёки ҳеч бир ҳужжатсиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- амалга ошираётган ҳаракатлари ўзлари эълон қилган мақсадларига тўғри келмайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- Ўзбекистон Республикасида ноқонуний бўлаётган чет эл фуқароли ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Юқорида миграция ҳуқуқий муносабатлари асосий тушунчаларининг таърифи ҳақида келтирилган мисоллар миграция муносабатларнинг кейинги ривожига учун муҳим аҳамиятга эга, деган фикрдамиз. “Миграция”, “мигрант”, “миграция муносабатлар иштирокчилари”, “ноқонуний миграция” каби асосий тушунчалар ушбу соҳадаги ҳуқуқий нормаларнинг тизимлаштирилишида асосий манба бўла олади. Уларнинг аниқ таърифлари қонунчиликдаги чалкашликлар ва бўшлиқларни тўлдиришда ёрдам беради.

Миграция жараёнларни тартибга солувчи асосий қонунчилик базаси бу, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлиб, у Республиканинг бутун ҳудудида амал қиладиган олий юридик кучга эгадир. Барча қонунлар ва қонуности ҳужжатлар унга мувофиқ ҳолда қабул қилинади. Айнан Конституция миграция жараёнларнинг иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи қонунчиликнинг такомиллаштиришда юридик база ҳисобланади. Конституция шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя

қилинишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигини, айрим истиснолар билан, белгилайди.

Конституциянинг 18 ва 23-моддалари мигрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи асосий нормаларни ўрнатади. Жумладан, 18-моддада “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар”, деб белгилаб қўйилган. 23-моддада эса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши белгиланган. Бу қоидадан шуни билиш мумкинки, халқаро ҳуқуқ нормалари мигрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлариниок белгиловчи қонунчиликни яратиш ва уни такомиллаштириш учун асосий манбалардан бири ҳисобланади.

БМТнинг собиқ Бош Котиби Кофе Анна халқаро миграцияни XXI асрда дунёмиз олдида турган энг катта муаммолардан бири сифатида тавсифлаган. Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар унинг кўплаб афзалликларига эга бўлиш ва юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ҳал қилиш учун кўпроқ ҳаракат қилишлари кераклигини таъкидлаган¹.

Миграция жараёнларни тартибга солиш инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлганлиги боис, унинг катта қисмини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари ташкил қилади².

Истиқболда, миграция қонунчилигини ривожлантиришда, биринчи навбатда, мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини, шунингдек, “мигрант”,

¹ Global comission on internation migration. Доклад Генерального секретаря ООН К. Аннана. 2006.

² Международные договора универсального характера (например: Протокол, касающийся статуса беженцев, 1967 и др.); международные договора регионального уровня (например: Соглашение СНГ о сотрудничестве в области трудовой миграции и социальной защиты трудящихся-мигрантов, 1994; Соглашение СНГ о сотрудничестве государств-участников СНГ в борьбе с незаконной миграцией, 1998).

“меҳнат мигранти”, “мажбурий кўчирилган шахс” каби умумий характердаги ҳуқуқий атамаларни қонун билан тартибга солиш керак. Бунда, халқаро ҳуқуқ нормаларини қонунчилигимизга татбиқ қилиш билан бирга, ушбу халқаро ҳуқуқ шартномаларни мамлакатимизда амалга оширишнинг самарали миллий механизмини ҳам ишлаб чиқиш керак бўлади.

Ижтимоий фикрларга таяниб таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда миграция соҳасидаги муносабатлар яхлит қонун билан тартибга солинмаса-да, бир қатор миллий норматив-ҳуқуқий ҳамда икки ва кўп томонлама халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши, бўлиши, ундан чиқиши ҳамда транзит ўтиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сон, 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон, 2017 йил 28 апрелдаги 247-сон ва 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарорлари билан тартибга солинган¹.

Миграция муносабатлари иштирокчиларнинг ҳуқуқий ҳолати кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига кириш ва ундан чиқиш тартиби 1990 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, 1996 йил 21 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги Қарори билан тартибга солинган².

Хорижда яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари 2018 йил 25 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида

¹ Эгамбердиев Б.И. Ўзбекистонда миграция жараёнларини тартибга солишни такомиллаштириш чоралари. Ўзбекистон Республикасида миграция сиёсатини таъминлаш муаммолари ва ечимлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент. 2019. – Б. 79.

² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун; Вазирлар Маҳкамасининг “Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан, фуқароларимизни чет элга чиқиш ва у ерда меҳнат фаолиятини амалга оширишлари 2018 йил 12 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари билан тартибга солинади¹.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари билан ҳам тартибга солинади².

Мамлакатимизда миграция қонунчилиги соҳасида, ривожланишнинг фаол динамикасига қарамасдан, тизимни шакллантирувчи ва тегишли ҳуқуқ соҳаси қоидаларини бирлаштирадиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳалигача мавжуд эмас.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сон Қарори // ЎР ҚХТ, 2003 й., 21-сон, 216-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 593-сон Қарори // ҚХММБ, 2020 й., 09/20/593/1340-сон.

Мигрантлар соҳасидаги жамоавий муносабатлар барча учун умумий бўлган субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бирга, уларнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, махсус ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади ва ушбу муносабатлар миграция муносабатлари ҳисобланади. Маълумки, тартибга солиш предметига мувофиқ, ушбу муносабатлар маъмурий, меҳнат, оила ва уй-жой ҳуқуқини қамраб олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, миграция ҳуқуқий муносабатларининг тартибга солиниши ҳалигача қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилмоқда. Шу сабабдан, миграция соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари, уларнинг ваколатлари, мақсад ва вазифаларини белгилайдиган, мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини ўрнатадиган “Миграция тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Шунингдек, миграция соҳасида ваколатли давлат органларининг ваколатларини битта давлат ташкилотига бирлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шундай қилинганда, миграция муносабатларини тартибга солиниши ва миграция сиёсатини амалга оширувчи давлат органининг миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш фаолияти анча осон ва самарали бўлур эди.

II БОБ. МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Миграция соҳасидаги муносабатларда қонунийлик ҳолати ва прокуратура органларининг тутган ўрни

Замонавий юридик адабиётларда қонунийлик масалаларига кўп эътибор қаратилади. Ушбу соҳадаги илмий ишларнинг кўпчилиги жамият ва давлат таракқиётининг турли босқичларидаги қонунийлик тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш масалаларига бағишланган.

“Давлат ва ҳуқуқ назариясида қонунийлик тўғрисида, қонунларнинг устунлиги, қонунлар ва уларга мувофиқ бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва бошқалар томонидан оғишмасдан риоя қилиш тушунчаси қабул қилинган”¹.

“Қонунийлик демократик ҳуқуқий давлатнинг энг асосий элементларидан биридир. Шунинг учун, жамият ва давлатдаги қонунийлик, ушбу давлатнинг ҳуқуқий давлат қуришга қай даражада яқинлигини кўрсатувчи омилдир. Рус ҳуқуқшунос олими Й.И. Скуратов айтганидек, “давлат қонунийликсиз кучли бўла олмайди, ўзининг ҳукмронлик вазифасини муваффақиятли амалга оширолмайди. Айниқса, давлат ҳуқуқий жамият қуришга интилаётган бўлса”².

Қонунийлик тушунчасига Нурмат Сабуров ва Маҳмуд Нажимовлар томонидан янада батафсилроқ таъриф берилган: “**Қонунийлик** – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини оғишмай

¹ Звирбуль В.К. Прокурорский надзор в СССР. М. 1966.; Мелкумов В.Г. Советская прокуратура и проблемы общего надзора. Душанбе. 1970.; Клочков В.В. Теория законности и наука прокурорского надзора. Сб. научн. трудов «Вопросы теории законности и прокурорского надзора». М. 1994; Клочков В.В. О методологии и методике изучения состояния законности. Сб. «Проблемы теории законности. Методология и методика прокурорского надзора». М. 1994.; Малеин Н.С. О законности в условиях переходного периода. Сб. «Теория права: новые идеи» Вып. 4. М. 1995.; Кол-в авторов «Законность в Российской Федерации». М. 2008; Алексеев С.С. Государство и право. Начальный курс. М. 1994.; Викторов И.С. К вопросу о теории законности в Российской Федерации; некоторые предложения. Сб. науч. тр. «Укрепление законности в экономике, социальной сфере и административной деятельности средствами прокурорского надзора». М. 2001 и др

² Скуратов Ю.И. Прокуратура в правовом государстве. М. 1997. – С. 12.

амалга ошириш, мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик ва зўравонликка қарши изчил курашиш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир”¹.

Юқоридаги фикрлардан шундай фикрга келишимиз мумкинки, ҳуқуқий-демократик давлатни қонунийликсиз қуриб бўлмайди ва айнан қонунийлик жамиятда ижтимоий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлайдиган, уларга оғишмай риоя қилинишини рўёбга чиқарувчи ижтимоий-сиёсий режимдир.

Қонунийлик ҳолатининг кўрсаткичлари бўлиб, ўрганишлар даврида аниқланган қонун бузилишлари кўрсаткичи ҳисобланади, яъни ҳуқуқбузарликлар. Назарияда ушбу мақсадлар учун аниқ бир вақт мобайнида, қонун талабларининг реал амалга оширилишини акс эттирувчи сифат ва сон жиҳатидан кўрсаткичларнинг жами сифатида **“қонунийлик ҳолати”** тушунчаси қабул қилинган².

Юқорида айтилган қонунийлик ҳолати тушунчасини тўлиқ ҳажмда миграция соҳасида қонунийлик ҳолати тушунчасига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Уларга асосланиб, *“...миграция соҳасидаги қонунийлик ҳолати тушунчасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миграция муносабатлари соҳасида ваколатга эга бўлган барча давлат органлари томонидан ҳуқуқ берадиган, мажбурият юклайдиган ва тақиқлайдиган характердаги барча миграциявий қонунчилик ҳужжатларининг ҳақиқатда ижро этилиши бўйича статистик, ахборот-таҳлилий ва бошқа расмий кўрсаткичларнинг сифат ва сон жиҳатидан жамланмаси сифатида аниқлаштириш мумкин”*³.

“Ҳозирги кунда миграция жараёни Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётини ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳоли миграцияси Республика аҳолиси сонининг ва унинг ҳудудлардаги улуши

¹ Сабуров Н., Нажимов М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 122.

² Состояние законности и правопорядка в Российской Федерации: методы сбора и анализа эмпирической информации. Научно-методическое пособие. Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. М. 2010. – С. 13

³ Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Сб. ст. / Отв. ред. Е. В. Абдуллаев.: Ташкент, 2008. – Б. 44.

ошишининг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда, чет эллик мигрантларини жалб қилиш эса, мамлакатда давлат аҳолиси ва унинг ҳудудларидаги аҳоли сони ошишининг асосий манбаларидан бирига айланмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг эҳтиёжларига мувофиқ, малака ва тажрибалари бўйича чет эллик мигрантларни мамлакатга жалб қилиш эса иқтисодиётининг кейинги ривожланиши учун жуда муҳим омилдир”¹.

“Бироқ, Ўзбекистоннинг ҳозирги миграция қонунчилиги тараққиётнинг ҳозирги ва келажакдаги иқтисодий, ижтимоий ва демографик талабларига, мамлакат фуқаролари, умуман олганда, жамиятнинг, иш берувчиларнинг манфаатларига мувофиқ эмас. Амалдаги қонунчилик вақтинчалик хорижий меҳнат ресурсларини жалб этишга қаратилган бўлиб, доимий яшаш жойига кўчиб ўтишга, мигрантларнинг мослашувига ва интеграциясига ёрдам берадиган чораларни ўз ичига олмайди. Мавжуд миграция жараёнларини бошқариш тизимининг номукамаллиги кўплаб ноқонуний мигрантларнинг мавжуд бўлишига сабаб бўлмоқда”².

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб, ҳозирги вақтда миграция қонунчилигини амалга ошириш бўйича прокурор назорати Ўзбекистонга келган мигрантлар томонида содир этилган жиноятларни аниқлаш ва бартараф қилиш ва олдини олишда долзарб аҳамият касб этмоқда. “Фақат 2020 йилнинг январ-сентябр ойлари давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида МДХ давлатлари фуқаролари томонидан 14 та жиноят содир этилган. Рақамларга назар соладиган бўлсак, МДХ давлатлари фуқаролари томонидан Ўзбекистонда содир этилган жиноятлар сони 2019-йилда 26 та, 2018-йилда 26 та, 2017-йилда 22 та, 2016-йилда 50 та, 2015-йилда 33 тани, 2014-йилда 39 та, 2013-йилда 52 та, 2012-йилда 36 тани ташкил этган”³. Ушбу рақамлар Ўзбекистон ҳудудида чет эллик мигрантлар томонидан содир этилаётган

¹ Концепция миграционной политики Республики Узбекистан на период до 2030 года.

² Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Сб. ст. / Отв. ред. Е. В. Абдуллаев.: Ташкент, 2008. – Б. 47.

³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборотномаси. 10.02.2021.

жиноятлар доимий содир этилиб келаётганлигини ва уларни олдини олиш ва бартараф қилишда прокурор назоратини кучайтириш кераклигини билдиради.

“Шунингдек, чет эллик мигрантлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам содир этилган бўлиб, 2020 йилнинг 10 ойи давомида чет эллик давлатлар томонидан содир жами 3029 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, маъмурий баённомалар тузилган. Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг асосан кўпчилигини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, яъни Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ташкил этади. Шунингдек, ҳозирги реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда **54-модда (Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш)** ва **227⁴-моддасида (Товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларини божхона органининг рухсатисиз бериш, улани йўқотиш ёки етказиб бермаслик)** назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда.

Миграция ва қонунларга риоя қилишда прокурор назоратининг асосларини тадқиқ қилишдан аввал, **прокурор назоратининг предмети** тушунчасини аниқлаш муҳимдир. Қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметининг расмий тушунчаси *Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни*нинг 20-моддасида айtilган. Ундаги ҳуқуқий категорияга кўра, қонун чиқарувчи назорат предмети сифатида иккита алоҳида элементни олган, улардан бири *вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши* бўлса, иккинчиси *улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги* ҳисобланади. “Шунга қарамай, аслида, гап иккала ҳолатда ҳам гап прокурорлар олдида турган вазифаларнинг ҳал қилишга

каратилган назорат фаолиятининг ягона йўналишининг турли хил кўринишлари ҳақида кетмоқда”¹.

Таъкидлаш керакки, миграция-ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, шартсиз, Ўзбекистон Конституциясининг амал қилиш, қонунлар ижроси ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати предметининг умумий тушунчасига асосланади.

“Шундай қилиб, **миграция қонунчилигини амалга ошириш бўйича прокурор назорати предмети**, ўз моҳиятига кўра, миграция соҳасидаги инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги мамлакат қонунчилигининг ҳар қандай қоидабузарликларини ўз вақтида ва тўлиқ аниқлаш, бартараф этиш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек миграция соҳасидаги қонунчилик ва миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортишга йўналтирилган прокурорнинг тегишли функционал фаолияти шаклида тақдим этилади”².

Миграция қонунчилигининг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни ва ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, миграция соҳасидаги халқаро ҳужжатларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида ва бошқа қонуности ҳужжатларида мустаҳкамлаган миграция ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан назорат;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва тегишли органлар ва уларнинг мансабдор шахслари, миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасида ўз ваколатларини амалга ошираётганларида қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги устидан назорат.

¹ Басков В.И., Коробейников В.Б. Курс прокурорского надзора / В.И. Басков, В.Б. Коробейников. - М. 2000. - С. 56.

² Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор / В.Г. Бессарабов. - М. 2006. - С.113.

"Миграция қонунчилигини ижро қилишда прокурор назорати органларида унинг самарадорлигига таъсир қилувчи камчиликлар қаторига қуйидагилар киради:

- миграция ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузувчи қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги статистик ва бошқа зарур маълумотларни ўз вақтида тўплаш, тезкор қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича ахборот-таҳлилий таъминлаш паст даражада ташкил этилган;

- кўпгина ҳудудларда прокуратура текширувлари мунтазам равишда амалга оширилмайди. Натижада ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида аниқланмайди, бартараф этилмайди, бузилган ҳуқуқлар тикланмайди ёки кечиктириб тикланади;

- миграция қонунчилигини такомиллаштирувчи омиллар ва ҳолатлар ҳар доим ҳам таҳлил қилинмайди. Кўпгина ҳолатларда, қонун билан белгиланган тартибда, айбли мансабдор шахслар аниқланмайди ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари кўриб чиқилмайди”¹.

Юқорида санаб ўтилган омиллар натижасида ушбу соҳада содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилишга оид прокурор назоратининг фаолияти самарали амалга оширилмаяпти. Натижада, чет эллик фуқаролар томонидан қонун бузилиши ҳолатлари мунтазам кўпайиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, миграция қонунчилиги бузилиш факти аниқланганда, миграция ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида прокурорлар томонидан қуйидаги ваколатлар амалга оширилади:

“вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар

¹ Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор / В.Г. Бессарабов. - М. 2006. – С. 115.

ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилинади;

давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратиш талаб қилинади;

мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилинади”¹.

Миграция соҳасидаги қонунчиликнинг қониқарсиз ҳолати мазкур вазиятни яхшилайдиган ва миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини тубдан кучайтиришга имкон берадиган қўшимча чораларни қабул қилишни талаб қилмоқда.

Миграция ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг бузилган ҳуқуқлари аниқланганда прокурор томонидан амалга ошириладиган ишлар назорат амалиётини кучайтириш мақсадида миграция қонунчилигига риоя қилиш устидан назорат бўйича прокурор ишини ташкиллаштиришга қўйиладиган асосий талабларни мустаҳкамлайдиган, прокурор назоратининг мақсад ва вазифаларини аниқлайдиган, ушбу соҳадаги қонун бузилишларини аниқлаш ва огоҳлантиришнинг тактик ва услубий жиҳатларини очиқ берадиган ташкилий-бошқарув ҳужжати бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғини ишлаб чиқиш ва уни чоп этиш мақсадга мувофиқдир. Миграция соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши, миграция ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан прокурор назорати сифатини оширишда назоратнинг айнан ушбу турини ташкиллаштириш ва амалга оширишда ахборот-таҳлилий ва услубий

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2001 й, 257-И-сон.

таъминот даражасини тубдан ошириш керак. Миграция ҳуқуқий муносабатлари соҳасида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган прокуратура органларининг ахборот таъминотини ривожлантирувчи воситалардан бири прокуратура органларининг ушбу соҳадаги содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақида барча маълумотларга эга бўлган жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлигини ҳар томонлама кенгайтиришдир.

Ҳозирги вақтда миграция соҳасидаги қонунчилик аҳволи мамлакатимиздаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Миграция соҳасида содир бўлаётган жараёнлар мамлакатнинг хавфсизлигига ва халқаро барқарорликка катта таъсир кўрсатади.

“Қўпчилик олимлар ва мутахассислар ноқонуний миграция халқаро хавфсизликка, оммавий тартибга, жумладан Ўзбекистонга ҳам, унинг фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам ҳақиқий ҳавф солиши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Чунки, ноқонуний мигрантлар давлат рўйхатида турмайдилар, расман меҳнат бандлиги, солиқ солиш, давлатнинг ижтимоий ҳимоя тизимига киритилмайдилар, ўз навбатида, улар яширин иқтисодиётни шакллантиради”¹.

Шубҳасиз, ноқонуний миграцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш яқин халқаро ҳамкорликсиз амалга оширилиши мумкин эмас. Халқаро битимларни тўғри тузишдан ташқари, икки томонлама ижро этувчи протоколларни тегишли халқаро битимга параллел равишда тузиш ишлари олиб борилиши керак, бу эса шартномани амалда қўллашнинг батафсил тартибини белгилайди².

Масъул ташкилотлардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари иши ҳақида охириги 8 йилликда (2013-2020-йиллар давомида)

¹ Алешковский И. А. Нелегальная миграция как феномен глобального мира. Век глобализации. Выпуск №2(14)/2014.

² Сухомлина М.П. Международно-правовые механизмы борьбы с незаконной миграции. Научно-методическое пособие. Деятельность прокуратур государств-участников СНГ по противодействию незаконной миграции. М. 2011. С. 124-129; Концепция развития Российского законодательства. М. 2010. – С. 530.

олинган статистик маълумотлар прокуратура органлари томонидан аниқланган миграция қонунчилигидаги ҳуқуқбузарликлар сони ҳар йили барқарор ўсиб бораётганидан гувоҳлик бермоқда:

“**2013-йилда** 2846 та қонун бузилиши аниқланган бўлиб, шулардан 2292 таси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузиш) содир этилганини кўрсатади. **2014-йилда** 2384 та қонунбузилиши аниқланган ва шулардан 1931 тасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидалари бузилган; **2015-йилда** 4875 та, шулардан 2576 таси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузиш оқибатида содир этилган. Чет эллик фуқаролар томонидан **2016 йилда** 4107 та, **2017 йилда** 4200 та, **2018 йилда** 3948 та, **2019 йилда** 7837 та, **2020 йилда** эса 3029 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган. Айниқса, **2019 йил** давомида мазкур қонунбузилишлари кескин кўпайган. Мазкур маълумотларга асосланиб, айтиш мумкинки, *2013-2020-йилларда* миграция соҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар сони **2013-йилда** 2846 тадан **2020-йилнинг октябригача** жами 33317 тага етди. Бу эса ҳуқуқий давлат учун йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир ва ушбу соҳада прокуратура ва бошқа масъул органларни сергак бўлишга чақирмоқда”¹.

Содир этилган қонунбузилишларининг аксарият кўпчилигини маъмурий ҳуқуқбузарликлар ташкил этган бўлиб, уларнинг асосий субъектлари эса қуйидаги давлат фуқароларидир: *Тожикистон (3831), Қозоғистон (2391), Қирғизистон (2096), Россия (1628) ва Туркия (1351)*.

2019-йилда Ўзбекистон Республикасига турли мақсадларда 8278996 нафар чет эл фуқаролари келган бўлиб, бу кўрсаткич 2018-йилдагига нисбатан 22%га ошган. (2018-йилда 6432983 нафар чет эл фуқароси).

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборотномаси. 10.02.2021.

2017 йилда 2847877, 2016-йилда 2157676, 2015-йилда 2034253, 2014-йилда 1938035, 2013-йилда 2028620 нафар мигрантлар Ўзбекистон Республикасида бўлган. Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ҳар йили Ўзбекистон Республикасига келадиган мигрантлар барқарор ўсиб бормоқда. Ушбу сабабдан, миграция соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, мигрантларга қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини ошириш, айниқса “Ўзбекистон Республикасининг миграция тўғрисида”ги Қонунини қабул қилишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Ана шунда ушбу соҳадаги қонунчиликнинг самараси ошади. Қонуннинг ижроси устидан эса прокурор назорати кучайтирилади.

Мамлакатимизда миграция соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сонининг ошиб бораётганлиги икки хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, миграция сиёсати бўйича ваколатли давлат органлари томонидан назорат текширувлари яхши олиб борилмаяпти;

Иккинчидан, ваколатли давлат органларининг амалга ошираётган чора-тадбирларининг заиф профилкатик ва огоҳлантирув йўналиши ҳуқуқбузарликларнинг тайёрлов ва амалга ошириш босқичидаёқ аниқлаб, уларни ўз вақтида бартараф қилишга имкон бермаяпти.

“Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг миграция сиёсатида ваколатли бўлган давлат органи сифатида Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, шунингдек, Давлат Хавфсизлиги Хизмати ва Давлат чегарасини ҳимоя қилувчи Қўмитани санаб ўтишимиз мумкин”.

Ушбу органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бир ҳудудидан бошқа бир жойига турли мақсадларда кўчиб ўтган фуқаролар мамлакатда бўлиш ва унинг ҳудудида ҳаракатланиш қоидаларига амал қилинишини назорат қилиш бўйича тезкор-профилактик чора-тадбирларни биргаликда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Миграция соҳасидаги мураккаб вазият гувоҳлик бермоқдаки, қонунийлик ҳолати ва ҳуқуқий тартиботга масъул бўлган органлар томонидан миграция муносабатлари соҳасидаги салбий жараёнга қарши зарур чораларни амалга оширмаяпти.

Яна шунингдек, мамлакат фуқароларини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳам мавжуд бўлиб, бу ўринда энг катта муаммо сифатида прописка тизимини келтириш мумкин. Ушбу соҳада ишларни ташкиллаштириш даражасини ошириш учун миграция хизмати билан шуғулланувчи органлар ва мансабдор шахслар орасида зарур бўлган ҳамкорлик мавжуд эмас.

“Ўзбекистоннинг халқаро бозорга босқичма-босқич кириб бораётганлиги ташқи (халқаро) меҳнат бозорида ёлланма иш мақсадида чет эллик фуқароларнинг кириб келиши ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чиқиб кетиши шаклида ташқи меҳнат меҳнат миграцияси жараёнлари ривожланиб бормоқда”¹.

Ҳар йили Ўзбекистонга ўртача 4 миллиондан ортиқ чет эллик фуқаролар кириб келмоқда. 2019-йилда Ўзбекистонга 8278996 нафар чет эллик фуқаролар келган бўлиб, уларнинг қарийб 54 минг нафари ишлаш мақсадида Ўзбекистонга келган. 2015-йилда 36412 нафар чет эллик фуқаро ишлаш мақсадида ташриф буюрган. 2019-йилга солиштирсак, ушбу кўрсаткич охирги беш йил ичида 1,5 баробар ошганини кўришимиз мумкин. Ишлаш мақсадида келган чет эллик фуқаролар сонининг кескин ошиши натижасида, чет эллик фуқаролар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ҳам ошиб бормоқда².

Кўпинча чет эллик ишчиларни жалб қилиш хусусий иш берувчилар томонидан амалга оширилади. Иш берувчилар билан чет элдан келган ишчилар ўртасида тузилган меҳнат шартномалари эса зарурий меҳнат шароитларини ўз ичига олмайди. Айрим ҳолларда меҳнат шартномалари

¹ <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/post-2015.html>. 28.02.2021.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази маълумоти.

умуман расмий тарзда тузилмайди, ҳатто меҳнат хавфсизлиги энг элементар шартлар ҳам уларда мавжуд эмас. Чет эллик ишчиларнинг иш берувчиларга қарамлиги ва ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мураккаблаштиради.

“Шунингдек, миграция соҳасида ягона давлат сиёсатини юритадиган давлат органининг мавжуд эмаслиги ва бир нечта давлат органлари бу иш билан шуғулланиши республика ҳудудида ёлланма меҳнат билан шуғулланадиган чет эл фуқаролари, юридик шахслар ва яққа тадбиркорлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлинмаслигига сабаб бўлмоқда”¹.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган муаммоларнинг долзарблигини инобатга олиб, прокурорлар миграция соҳасида қонунчилик ижросини таъминлашда назоратни кучайтиришлари керак. Ушбу ўринда, қонунийлик ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш муҳимдир. Сабаби, айнан унинг натижалари асосида юқорида айтиб ўтилган масалалар бўйича текширувлар режалаштирилади ва ўтказилади, ижро ҳокимияти органлари ва назорат қилувчи органларнинг фаолияти ва уларнинг миграциявий вазиятга таъсирига баҳо берилади, идоралараро ҳамкорликни кучайтиришга йўналитирлган қўшимча чоралар қабул қилинади. Лекин, асосий эътибор доимо ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган бўлиши лозим.

Миграция соҳасидаги қонунчиликнинг самарадорлигини ошириш учун амалдаги кодексларга ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш муҳимдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик белгиланган бўлсада, ушбу чет эллик фуқароларни Ўзбекистон Республикасига ишга ёллаб олиб келган иш берувчилар учун жавобгарлик чораси йўқ, яъни улар томонидан давлат ҳудудига кириш ва ундан чиқиш, унинг ҳудудида ҳаракатланиш ҳамда мамлакатда бўлиш рухсатномасида белгиланган муддат тугаганидан сўнг

¹ Исоқов Л.Х. Миграция соҳасидаги давлат бошқаруви. Монография / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир А.Саидов. – Тошкент: “Yosh kuch”, 2019. – Б. 47.

мамлакатдан чиқиб кетиш қоидаларини бажармасликда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан бир қаторда, ушбу шартларни бажаришни таъминламаган иш берувчиларни ҳам жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2-§. Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конституция ва қонунларнинг бир хилда ва тўлиқ амалга оширилишини назорат қилиш прокуратура органларининг бош ва асосий вазифасидир. Ушбу норма Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида мустақкамлаб қўйилган. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг қай даражада муваффақиятли амалга оширилиши бу назорат фаолиятининг марказда ва жойларда қай даражада ташкил қилинганлигига боғлиқдир.

Қонунлар ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат, унинг таркибидаги Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими, Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, уларнинг вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги таркибий тармоқлари ва жойлардаги прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокуратуранинг хайъат қарорлари ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Халқаро-ҳуқуқий бошқармаси тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 28 октябрдаги 147-сонли

Буйруғига асосан халқаро-ҳуқуқий бошқарма Ўзбекистон Республикасида миграция қонунчилигига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органи ҳисобланади. Юқорида номи келтирилган Низомга асосан, халқаро-ҳуқуқий бошқарма Ташқи ишлар вазирлиги, унинг Ўзбекистон Республикаси ва хориждаги муассасалари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг фуқароларнинг хорижга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келиши, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан боғлиқ фаолиятида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда қонунлар ижроси устидан назорат соҳа-минтақа принципи асосида ташкил қилинади. Бу дегани Республика Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар бир вақтнинг ўзида бўйсунувчи прокурорларнинг қонунлар ижроси бўйича назорат фаолияти устидан ташкилий-методик раҳбарликни бажарадилар ва ўзларининг ваколатларидаги объектларда назоратни амалга оширадилар¹.

Шу мақсадда, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга ваколатли бўлган юқоридаги бошқармалар ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси

¹ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 155.

Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни ташкил этади ва амалга оширади.

Қонунлар ижроси устидан назоратнинг ҳаракатчан ва таъсирчанлиги маълум даражада марказ ва жойларда бу иш тўғри режалаштирилиб йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Қонунлар ижроси устидан назорат доираси нақадар кенг қамровли эканлигини инобатга олган ҳолда, прокурорлар текшириш ўтказиш учун ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик аҳволи носоғлом бўлган корхоналарни танлашлари керак¹.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича прокурор ваколатлари давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш каби прокурор олдида турган вазифаларни қонунда белгиланган тартибда ҳал қилиш шакллари ва воситаларини аниқлаб беради. Улар ёрдамида қонун бузилишлари аниқланади ва уларни бартараф этиш чоралари қўрилади, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаб ва шароитларини фош қилиш, уларни бартараф этиш амалга оширилади ҳамда қонун бузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминланади.

Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини самарали ташкил этишда текширишларни амалга оширишда прокурор томонидан қўлланиладиган тактика ва методлар катта аҳамият касб этади.

Амалиётдан маълумки, айнан методика ва тактика, қонунийлик ҳолатига ва прокурор назорати амалиётига таъсир кўрсатадиган субъектив ва объектив омиллардан келиб чиқиб, фуқароларнинг қонун билан тартибга солинадиган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларнинг фактик ҳолатига прокурорларнинг таъсир кўрсата олиш имкониятларини кенгайтиради.

¹ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 140.

Юридик адабиётларда прокурор назоратининг усул ва тактикаси тушунчасини тушунтиришга катта эътибор қаратилган. Хусусан, профессор Б.Х. Пўлатов айтганидек, ҳамма прокуратура органлари бир хил мақсад ва вазифаларни бажарадилар. Бунда назоратни амалга ошириш тартиби, тактикаси ва усули ҳам бир хилдир¹.

Рус ҳуқуқшуноси В.З. Гушиннинг фикрига кўра, прокурор назоратининг методикаси прокурорнинг нима қилишини кўрсатиб берса, тактикаси эса уни қандай қилиш кераклигини кўрсатади².

Фикримизча, “методика” тўғрисида юридик адабиётда анча яхшироқ таъриф В.В. Клочков томонидан берилган. Унга кўра, “прокурор назоратининг методикаси – прокуратурада ишни ташкил қилиш ва бошқариш, прокуратура амалиёти ва қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ишлаб чиқиладиган прокуратура тўғрисидаги алоҳида илм соҳаси”³.

Илмий соҳада прокурор назоратига уни амалга оширишининг умумий ва махсус методикалари қўлланилади. Умумий методика асосий принциплар ва хусусиятларнинг ташувчиси бўлиб, тармоқ методика билан чамбарчас боғлиқдир.

Прокуратуранинг назорат фаолиятида тармоқ методикани ишлаб чиқишининг муҳимлигини профессор Б.В. Коробейников асослаб берган.

Назорат текширувлари тактикаси – прокурор томонидан аниқ бир вазиятдан келиб чиқиб текширувдан кўзланган мақсадга эришиш учун (қонун бузилишларини тўлиқ аниқлаш, бунга йўл берган ҳолатлар ва содир этган шахсларни фош этиш) амалга ошириладиган оқилона усуллар жамланмаси сифатида тушунсак тўғри бўлади. Ушбу тактика прокурор томонидан,

¹ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 38.

² Гушин В.З. Прокурорский надзор за соблюдением конституционного права граждан на объединение. М.: 1998. – С. 109-110.

³ Клочков В.В. Методика как раздел науки. Вопросы теории законности и прокурорского надзора. М.: 1994. – С. 37.

шунингдек мутахассис томонидан ўтказиладиган турли тадбирларининг турлича кетма-кетлигида намоён бўлиши мумкин¹.

Миграция қонунчилиги ижро қилиниши устидан назоратни самарали амалга ошириш учун прокурорлар ушбу соҳадаги қонунийлик ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари керак.

Ўз мақсадига кўра, ахборот-таҳлилий ишлар прокуратура тизимининг ташкилий бирлигини ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқасини таъминловчи омиллардан биридир. Бу иш бутун тизимни қамраб олиши, бир хил қоидаларга бўйсунуши, бир хил талабларга жавоб бериши керак².

Прокурор назорати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиб турганидек, айнан ахборот таъминотининг етарли бўлмаслиги ва сифатсиз таҳлилий фаолият кўпгина прокурорларнинг назорат фаолиятининг самарадорлиги кам бўлишининг асосий сабаби бўлмоқда³.

Барча юқорида айтилганлар миграция муносабатлари соҳасидаги ахборот-таҳлилий ишларга ҳам тааллуқлидир.

Қонунчилик ижроси устидан назорат текширувини ўтказишдан аввал прокурорлар миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги қуйидаги ахборот манбаларини кўриб чиқишлари ва таҳлил қилишлари керак бўлади:

оммавий ахборот воситаларининг хабарларини; фуқароларнинг прокуратура органларига келиб тушган мурожаат ва шикоятларини, миграция соҳасида ваколатли ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи органлар, ташкилотлар ва идоралар томонидан миграция қонунчилиги ижро қилинмаётганлиги тўғрисидаги хабарлари;

давлат статистика органларининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва ишчи кучи бозорининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

¹ Коробейников Б.В. Методика, тактика и организация общего надзор. Соц. Законность. 1986. № 1. – С. 46-48.

² Организация работы городской (районной) прокуратуры. Методическое пособие, под общ. ред. С.И. Герасимова. М.: 2001. – С. 131.

³ Викторов И.С. Организация работы по надзору за исполнением законов и законностью правовых актов, соблюдения прав и свобод человека и гражданина. В кн. «Организация работы городской и районной прокуратуры». М.: 2001. – С. 131.

давлат статистика органларининг худудларда ишчи кучининг миқдори ва уларнинг вилоят ва туманлар бўйича тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар;

иш берувчилар томонидан чет элдан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш учун керак бўладиган ижро ҳокимиятининг маълумотлари;

Ўзбекистон Республикаси худудида бўлиш ва рўйхатдан ўтиш қоидаларига амал қилинишини назорат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг худудий бўлимлари, ички ишлар органларининг профилактика инспекторларининг маълумотлари.

Назорат текширувини амалга оширишдан аввал яна куйидагиларни амалга ошириш керак бўлади:

миграция соҳасидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларини ўрганиш;

содир этилган қонунбузилишларига аниқлик киритадиган асосий саволлар рўйхатини тузиш.

Миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан бирга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳам муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 30.10.2017 даги 152-сонли буйруғида **фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат** назорат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлигини билишимиз мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, назорат тадбирларининг қанчалик самарали бўлиши прокурорлар томонидан уларга қонун билан берилган

ваколатлардан қанчалик асосли, тезкор ва тўлиқ фойдалана олишларига боғлиқ¹.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати бўйича прокурорнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасида келтирилган бўлиб, ушбу ваколатларни такомилга етган дейишимиз мумкин.

Ушбу ваколатларни амалга ошириш учун прокурор назорат амалга оширилаётган орган ҳудудига хизмат гувоҳномасини тақдим қилган ҳолда тўсқинликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Прокурорга иш юзасидан керакли бўлган ҳужжатлар ёки бошқа маълумотлардан, уларнинг мазмунидан қатъий назар фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Шунингдек, прокурор қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат амалга оширилаётган давлат ташкилоти раҳбаридан керакли ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳужжатлар ташкилот томонидан чиқарилган норматив ҳужжат, текширув ҳужжатлари, турли хил кўринишдаги рухсатномалар ва лицензиялар, маълумотномалар ва ҳисоботлар, шунингдек бошқа ҳужжатлар ва материаллар бўлиши мумкин ва уларни талаб қилиб олишда прокурорларга ҳеч қандай чеклов қўйилиши мумкин эмас.

Прокурорлар ўзларига юклатилган вазифани амалга оширишларида мутахассис ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам муҳим рол ўйнайди. Мутахассислар прокурорларга текширувларнинг турли кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишда ёрдам беришади ва маслаҳат беришда, текширувларда қатнашишда, махсус масалалар бўйича хулоса

¹ Основные критерии содержания, применения полномочий прокурора рассмотрены в следующих трудах: Викторов И.С. Полномочия прокурора по выявлению нарушений закона и применению правовых средств реагирования на выявленные правонарушения. Метод. Рекомендации. М.: 2004; Прокурорский надзор, под ред. Ю.Е. Винокурова. М.: 2007, –С.120-124; Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М.: 2006. – С. 194-199;

беришда, шунингдек, текширув натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланишлари мумкин¹.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига асосан, “қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади”.

Тадқиқот иши давомида ўрганилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва амалга оширишнинг хусусиятларини умумий кўринишда тадқиқ этиш имконини беради.

Прокурорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – қонунлар ижроси устидан назоратнинг характерли хусусиятлари шундаки, бу ишдаги муваффақият кўпроқ назоратни амалга ошираётган прокурорнинг шахсий ташаббуси билан ҳам белгиланади. У авваламбор қонун бузилишини аниқлаши, бу учун жавобгар шахсни ва ҳужжатни кейинги йўналишини белгилаши лозим, яъни жинойт иши ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиши ва ҳоказо.

Текширув ўтказиш чоғида прокурор текширув ишини шундай ташкил қилиши керакки, қачонки унинг натижасида нафақат қонун бузилиши, балки, унга олиб келган сабабларни ҳам аниқлаш имкони бўлсин. Бу айниқса, хўжалик фаолияти соҳасида ўтказиладиган текширувларда муҳим, чунки бу соҳада режалаштириш, молиялаштириш, ишлаб чиқариш технологиялари, нархларни шакллантириш, стандартлаштириш ва бошқа шу каби махсус билимларни талаб этади. Одатда прокурорлар бундай билимга эга эмаслар ва

¹ Винокуров А.Ю. Полномочия прокурора по надзору за исполнением законов. Законность. М.: 2006. № 4. – С. 10-13.

шу сабабдан ҳам, қонунлар ижроси устидан назорат текширувини ўтказиш чоғида улар турли мутахассислар ёрдамидан фойдаланадилар¹.

Тадқиқотчи Д.М.Александрович ўз тадқиқот ишида миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат текширувининг режасида қуйидагилар кўрсатилиши кераклигини айтади:

- ✓ текширув объектининг номи ва ҳуқуқий мақоми;
- ✓ ижроси текширилаётган қонун ва қонуности ҳужжатларининг рўйхати;
- ✓ аниқланиши керак бўлган асосий саволлар, талаб қилиб олинishi ёки жойида ўрганилиши керак бўлган ҳужжатлар;
- ✓ текширувни амалга оширувчи шахслар;
- ✓ тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш тартиби;
- ✓ текширув ўтказиш муддати ва унинг натижалари ҳақида маълумотнома тузиш.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, текширувнинг характеридан қатъий назар, барча ҳолатларда қуйидаги асосий маълумотлар аниқланиши лозим:

текширилаётган миграция соҳасидаги ваколатли давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларга қонун билан юклатилган мажбуриятларининг бажарилиши;

миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишининг хусусияти ва унинг тарқалиши;

қонунбузарларга нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқий таъсир чораларининг муқаррарлиги, уларнинг характери, тўлиқлиги, асослилиги ва қонунийлиги.

Ўзининг мазмунан йўналтирилганлигига кўра, миграция қонунчилиги ижросини текшириш режаси қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этилишига йўналтирилган бўлиши керак:

¹ Пўлатов Б.Х.. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 140.

- аниқ миграция соҳасидаги ёки прокурор назорати объектидаги қонунбузилиши тўғрисидаги фактик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги;

- миграцион характердаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилишига сабабчи бўлган шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларининг тўлиқ ва ўз вақтида қўлланилиши;

- айбдор шахсларга нисбатан қўлланилаётган маъмурий жавобгарлик чораларининг, хусусан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тартибда чиқариб юборишнинг қонунийлиги ва асослилиги;

- миграция қонунчилигига риоя қилинмаслиги натижасида мигрантларга етказилган зарарнинг ҳақиқатда қопланишининг таъминланганлиги;

- миграция қонунчилиги бузилишига олиб келган сабаб ва шартлар, шунингдек миграция соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат органлари томонидан қонунчилик бузилиши ҳолатлари аниқланмаслигининг асосий сабаблари тушунтирилиши.

Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати, энг аввало Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан миграция қонунчилиги амалга оширилишининг қонунийлиги таъминланишига йўналтирилган бўлади. Бу органлар фаолиятининг қонунийлиги прокурор назоратининг предмети бўлиб, унинг таркибий қисмларидан бири миграция муносабатлари соҳасида ўз назорат функцияларини қонуний бажаришидир.

Таъкидлаш жоизки, статистик ва бошқа маълумотларнинг ўз вақтида тўпланиши ва таҳлил қилиниши миграция соҳасида ваколатли бўлган давлат органлари, жумладан Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинаётган чораларнинг тўлиқлиги ва самарадорлигини холис баҳолашга ёрдам беради. Бундай таҳлил, қоида тариқасида, тегишли тартибга солувчи органларнинг

ҳисоботларини шакллантириш учун белгиланган муддатлар ўтганидан сўнг амалга оширилиши лозим. Нисбатан қонунийлик аҳволи яхши бўлмаган объектларни аниқлаш, шунингдек уларга берилган ваколатлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун назорат қилуви органлар фаолияти бўйича турли даврлардаги маълумотларни таққослаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги Низомга асосан мазкур бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнлари мониторингини амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. Прокуратура органлари Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасида назорат текширувларини амалга ошириш чоғида қуйидаги йўналишларда қонунийлик аҳволини ўрганишлари керак бўлади:

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларидан ва бошқа ташкилотлардан аҳоли миграцияси масалалари бўйича статистик, таҳлилий материалларни сўраш, талаб қилиб олиншини;

давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисида илтимоснома бериш тартибига риоя этилишини текширилишини;

меҳмонхоналарда ва бошқа ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан паспорт ва виза режими қоидаларига риоя этилишини текширилишини;

давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа ташкилотларга аниқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан

паспорт ва виза режимини, шунингдек Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисида илтимоснома бериш тартибини бузиш ҳолларини бартараф этиш ҳақида тақдимномалар киритилишини;

паспорт ва виза режими қоидаларини бузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва мансабдор шахслари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ўрнатилган тартибда маъмурий жазо чоралари қўлланишини;

жавобгарлик чораларини қўллаш мақсадида прокуратура, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларига паспорт тизими, Ўзбекистон Республикасига кириш, ундан чиқиш ва унда бўлиш қоидаларини бузган шахслар ҳақида ахборот тақдим этилишини.

Миграция соҳасидаги қонунчилик нормалари таҳлили Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти қонунийлигини текшириш даврида прокурорлар томонидан аниқланиши керак бўлган масалалар рўйхатини тузиш имконини беради, жумладан:

юқорида айтилган органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида белгиланган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида эркин ҳаракатланиш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унинг ҳудудига эркин киришга бўлган ҳуқуқи бузилмаганми, хусусан туман, шаҳар ва вилоятларда рўйхатдан ўтиш ва ҳудудида бўлишга бирор бир чеклов ёки тақиқ ўрнатилмаганми;

республика ҳудудига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ноқонуний йўл билан киришнинг олдини олиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, бундай шахсларнинг ҳисоби юритилмоқдами, сиёсий бошпана олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ёрдам кўрсатилмоқдами (Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5060-сонли Фармони, 2-боб);

миграция соҳасида ваколатли давлат органлари қай тарзда ҳамкорликни амалга ошираётганлиги;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириши тўғрисидаги қонунчиликка Ўзбекистон Республикасининг ижро ҳокимияти органлари томонидан ижро қилинишини назорат қилишда прокурорлар томонидан чет элдан ишчиларни олиб келиш эҳтиёжларини ва аниқ бир ҳудудда уларга квоталарни ажратиш тартибини ўрганиш керак бўлади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг миграцияга оид қонунчилиги ижроси устидан назоратни амалга ошириш чоғида прокуратура органлари асосий эътиборни миграция соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи ва миграция хизматларини кўрсатувчи органлар сифатида Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлимларининг фаолиятига қаратишлари керак.

Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни самаларали амалга ошириш учун прокуратура органлари ушбу органлар ва уларнинг ҳудудий бўлимлари фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари керак. Биринчи навбатда, ушбу соҳадаги қонунийлик аҳволи тўғрисидаги маълумотларнинг манбаларини тўғри аниқлаштириб олиш керак. Ушбу маълумотлар жумласига: *ариза ва шикоятларнинг ҳал этилиши бўйича аввал ўтказилган назорат текширув материаллари, ички идоравий текширув материаллари, фаолият натижаси тўғрисидаги статистик ҳисоботлар ва суд амалиёти.*

Миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштиришда муҳим камчиликлар сифатида қуйидаги омилларни кўрсатишимиз мумкин:

миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини поймол қилувчи қонунчиликнинг бузилиши тўғрисидаги статистик ва бошқа зарур

маълумотларни ўз вақтида тўплаш, тезкор қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришнинг яхши ташкиллаштирилмаганлиги;

кўп ҳудудларда прокурорлар текширувларни мунтазам равишда амалга оширмайдилар, кўпинча назорат текширувлари юқори турувчи прокурорларнинг топшириғи асосида ўтказилади. Натижада ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида аниқланмайди ва бартараф қилинмайди, бузилган ҳуқуқлар эса тикланмайди, тикланган тақдирда ҳам катта кечикиш билан тикланади;

миграция қонунчилиги бузилишига олиб келган сабаблар ва ҳолатлар ҳар доим таҳлил қилинмайди. Кўп ҳолатларда айбдор мансабдор шахслар аниқланмай қолади ва қонун билан белгиланган тартибда уларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмайди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, прокуратура органлари, Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва уларнинг ҳудудий бўлимлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўқлиги кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган айрим назорат текширувлари бошқа назоратни амалга оширувчи органлар томонидан амалга оширилаётган текширувлар билан бир-бирини такрорламоқда.

Шу нуқтаи назардан, миграция соҳасидаги қонунийликнинг қониқарсиз ҳолати ҳозирги ҳолатга мос, миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш амалга оширадиган қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1-§. Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича хориж тажрибаси

Барчамизга маълумки, миграция жараёнлари ҳозирги кунда глобал миқёсда кенг тус олиб улгурди. Статистик маълумотларга қараганда, 2017-йилда дунё бўйича мигрантлар сони 258 миллион нафарга етган. Жаҳон миқёсида тобора ривожланиб бораётган миграция жараёнларида меҳнат миграцияси алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда бутун дунёда меҳнат қилиш мақсадида фуқаролар миграция жараёнларини амалга оширмақдалар. Ушбу омил орқали мамлакатдаги ишсиз аҳолининг салмоқли қисми иш билан таъминланмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳозирги кунгача мамлакат аҳолисининг умумий сони 1,5 баробарга ошди. Ҳар йили меҳнат бозорига етти юз мингга яқин ёш ишчи кучи кириб келмоқда¹. Ушбу ишчи кучи Ўзбекистон меҳнат бозорига катта босим ўтказмоқда. Меҳнат бозорига бўлган бундай босимни камайтириш мақсадида юртимизда кўплаб иш ўринлари яратилиб, аҳолини меҳнат билан таъминлаш бўйича кучли давлат сиёсати юритилаётганига қарамай, ҳозирги кунда, тан олиш керакки, аҳолини меҳнат билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг асосий механизми бўлиб ташқи меҳнат миграцияси хизмат қилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2019-йилда йўллаган Мурожаатномасида бандлик масаласи давлат сиёсатининг муҳим масалаларидан бири эканлигига алоҳида урғу берилди.

¹ Ходжаева М.И. Миграция жараёнларида меҳнат миграциясининг ўзига хос жиҳатлари: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: Ўзбекистон Республикасида миграция сиёсатини таъминлаш муаммолари ва ечимлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2019. – Б. 5.

Нафақат фуқароларимизнинг чет элга кетиш чоғида қонунбузилишлари содир этилмоқда, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам қонунбузилишлари билан Ўзбекистонга ишлаш ва бошқа мақсадларда ташриф буюришининг ортиб бораётганлигини аввалги бобларимизда кўриб ўтган эдик. Миграция соҳасида содир бўлаётган қонунбузилишлари сифатида, республикамиз фуқаролари томонидан виза талаб қилинмайдиган давлатларга норасмий равишда чиқиб кетиш кўлами юқорилиги ва чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимизга кириб келиш, унда бўлиш ва мамлакатимиздан чиқиб кетиш қоидаларига риоя қилинмаслигининг ошиб бораётганлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Ушбу жараён эса, миграция жараёнларини тартибга солувчи қонунчиликни ва унинг ижро этилишини прокуратура томонидан назорат қилишни такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш истиқболларини белгилашда хориж тажрибаси катта аҳамият касб этади.

Хорижий давлатларнинг миграция муносабатларини тартибга солиш ва ижросини назорат қилиш тажрибасини ўрганишда бир нарсага гувоҳ бўлишимиз мумкин, яъни миграция соҳаси ривожланган давлатларда миграция муносабатларини тартибга солишда асосий ваколатлар давлатнинг ички ишлар органлари (полицияси) томонидан амалга оширилади. Албатта, бу борада ривожланган давлатлар қаторида МДХ давлатларининг бу борадаги амалиётини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, айнан ана шу давлатлар миграция муносабатлари қонунчилиги миллий қонунчилигимизга яқинроқ ва уйғунроқ ҳисобланади.

МДХ давлатлари доирасида, шубҳасиз, Россия Федерацияси миграция жараёнларини таъминлаш фаолияти самарали йўлга қўйилган давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакат МДХ давлатлари орасида энг катта миқдорда мигрантларни қабул қилувчи давлат сифатида катта амалий тажрибага эга. Ҳозирги кунда Россия миграция оқимларини қабул қилувчи энг йирик давлатлардан бири ва

2020 йил декабрь ҳолати бўйича дунёнинг тўртинчи энг йирик иммигрант давлати ҳисобланади¹.

Ҳар йили Россия Федерациясига 12 миллион аҳолидан ортиқ мигрантлар кириб келади. Лекин улардан атиги 1,5 миллион нафари қонуний мигрант ҳисобланади. Турли хил маълумотларга кўра, уларнинг 5 миллиондан 10 миллионгача бўлган қисми ноқонуний мигрантлардир. Ноқонуний миграция Россияга ижтимоий-иқтисодий, демографик, санитар-эпидемиологик ва жиноят нуқтаи назардан салбий таъсир кўрсатувчи доимий омилга айланиб қолган. Ноқонуний миграция тўғридан тўғри яширин иқтисодиёт, чет эллик мигрантлар меҳнатини эксплуатация қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш билан боғлиқ бўлиб, мамлакатдаги аҳолининг ички меҳнат миграция даражасини кескин тушишига олиб келади.

Ушбу шароитларда мамлакатнинг миграция соҳасидаги назорат тизими самарадорлиги камлиги сабабли, ушбу соҳадаги салбий тенденцияга қарши таъсир кўрсата олмаяпти. Бу эса мамлакатнинг ўз мигрантлари ва чет эллик мигрантлар ҳуқуқларига риоя қилишнинг таъминланмаслигига олиб келмоқда.

Ҳуқуқшунослар Т.А.Прудникова ва Н.В.Бровколар фикрича, мамлакат Федерал ижроия органларининг миграция соҳасидаги фаолияти илмий нуқтаи назардан тўлиқ тадқиқ этилмаган². Бироқ, ўтган давр мобайнида миграцияни тартибга солиш соҳасидаги туб ислохотлар – давлатнинг миграция назоратини таъминлаш соҳасидаги бошқарувининг самарали тизимини жорий этиш ҳамда истиқболлини белгилаш имконини берди³.

Миграция соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш мақсадида Россия Федерацияси Президентининг фармонида асосан (05.04.2016 й. ПФ-156-сон фармони) Федерал миграция хизматининг фаолияти тугатилиб, унинг вазибалари ва ваколатлари (ташқиллий штат бирликлари ҳам) Ички ишлар

¹ <https://citizenpath.com/countries-with-the-most-immigrants/> (23.05.2021).

² Прудникова Т.А., Бровко Н.В. Деятельность отдельных федеральных органов исполнительной власти в сфере миграции. Вестник Московского университета МВД России. 2018 (4): – С. 291.

³ Грачева М.Л. Глобальное и региональное измерение миграционных процессов: Научно-аналитический вестник. – Москва.: ИЕ РАН, 2020, №1. – С. 123-128.

вазирлиги зиммасига юклатилди¹. Бу орқали, ягона миграция ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш ҳамда миграция жараёнларини тартибга солувчи янги тизим – Миграция масалалари бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари қайта ташкил этилди. Натижада, мамлакатда миграция жараёнларини самарали баҳолаш механизми шаклланди.

Россия Федерациянинг 18.07.2006 йилдаги 103-сонли “Россия Федерациясида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг миграция ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни билан ИИВнинг миграцияга доир статистикани юритиш, қайд этиш, мониторинг қилиш ҳамда ижро органларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги ваколатлари ҳуқуқий кафолатланди². Бундан ташқари, “Полиция тўғрисида”ги Қонунга (07.02.2011й. № 3-ФЗ, 17-м.) мувофиқ, мазкур турдаги ахборотлар ИИВнинг маълумотлар базасига киритилганлигини кўриш мумкин³.

Шуни айтиш мумкинки, миграция ҳисобини юритиш ваколатини Ички ишлар органига бериш орқали шахсларнинг Россия ҳудудига эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи кафолатланади ва ноқонуний миграцияга қарши курашишнинг самарали механизми таъминланади.

Россия Федерациясининг чегарасини кесиб ўтувчи миграция ҳуқуқий муносабатларининг ҳуқуқий ҳолати кўплаб федерал қонунлар билан тартибга солинади. Шулардан энг асосийлари 01.04.1993 йилдаги “Россия Федерациясининг давлат чегараси тўғрисида”ги ва 15.08.1996 йилдаги “Россия Федерациясидан чиқиш ва Россия Федерациясига кириш тўғрисида”ги Қонунлардир.

Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ва Терроризм ва

¹ Указ Президента Российской Федерации от 05 апреля 2016 года № 156 «О совершенствовании государственного управления в сфере контроля за оборотом наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров и в сфере миграции» // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_196285/(мурожаат вақти:23.05.2021).

² Закон Российской Федерации от 18 июля 2006 года № 109-ФЗ (ред. от 01.05.2019) «О миграционном учете иностранных граждан и лиц без гражданства в Российской Федерации» // <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=LAW&n> (мурожаат вақти: 23.05.2021).

³ Закон Российской Федерации от 07 февраля 2011 года № 3-ФЗ (ред. от 06.02.2020) «О полиции» // <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=LAW&n=344851&fld> (мурожаат вақти: 23.05.2021).

экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси мамлакат фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Россия Федерацияси ҳудудида доимий ва вақтинча яшаш ҳамда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳамда унга риоя этилишини назорат қилиш, ноқонуний миграцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан Россияда ушбу ваколатлар Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг Миграция масалалари бош бошқармаси томонидан амалга оширилади¹.

Россия Федерациясида чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати 25.07.2002й.даги “Россия Федерациясида хорижий фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Қонун бўлиб, унга асосан чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатда яшаш, меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун барча керакли чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби белгиланган. Ушбу қонуннинг энг муҳим жиҳати тенглик таъминланган бўлиб, чет эллик фуқаролар айрим истисно ҳолатларни ҳисобга олмаганда, Россия Федерацияси фуқаролари билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мустаҳкамланган.

Россия Федерациясидаги мигрантларнинг катта қисмини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил қилганлиги сабабли, мигрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи Россия қонунлари мамлакатимиз, унинг фуқаролари учун ҳам тўғридан тўғри аҳамият касб этади. Мамлакатимиздан Россия Федерациясига бориб ишлаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолатларда ҳуқуқий ёрдам бериш амалиётини ривожлантириш масаласида Россия Федерацияси билан икки томонлама тадбирлар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан, Россия Федерациясига ишлаш мақсадида кетаётган меҳнат мигрантларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, ноқонуний миграцияга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек мувофиқлаштириш мақсадида, *Россия Федерацияси Ички ишлар*

¹ Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Т.: ИИВ Академияси, 2021. – Б. 114.

вазирлигининг паспорт-виза хизмати ваколатхонасини Ўзбекистон Республикасида очилиши ва унда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома (патент)ни тайёрлаш, расмийлаштириши ва бериши хизматларини кўрсатиши тизими муайян даражада амалиётга жорий этилганлиги ҳам катта амалий аҳамиятга эга бўлди¹.

МДХ доирасида миграция соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда катта амалий тажрибага эга бўлган давлатлардан Беларусь ва Озарбайжон Республикалари тажрибасидан ҳам катта фойда олиш мумкин.

Беларусь Республикаси миграция оқимларини бошқаришда МДХ давлатлари орасида етакчи ўринларда туради ва ушбу давлатлар доирасида самарали миграция сиёсатини амалга оширади, МДХ иштирокчи-давлатларининг ***Келишилган миграция сиёсати тўғрисидаги Декларация*** билан баён этилган принципларни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Беларусь бир тарафдан Европа Иттифоқи давлатлари (Латвия, Литва ва Полша) билан, бошқа бир томондан МДХ давлатлари (Россия ва Украина) билан кўшни давлат ҳисобланади. Мамлакатнинг географик жойлашуви, барқарор сиёсий ва иқтисодий ҳолати кўплаб чет эллик мигрантларни, асосан, МДХ ва Болтиқбўйи давлатларидан мигрантларни жалб этиб келмоқда.

Беларусь Республикасининг ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги миграция сиёсати ишчи кучини импорт ва экспорт қилишни такомиллаштиришга, хорижий ишчи кучининг назорат қилинмайдиган оқимидан ҳимоя қилишга ва чет элдаги Беларусь фуқароларини иш билан таъминлаш орқали ички меҳнат бозоридаги ҳолатни юмшатишга қаратилган.

Республикада чет эллик мигрантларни ва чет элдаги Беларусь фуқароларини жалб қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг лицензиялашган тартиби ўрнатилган. Ушбу фаолият тури Беларусь Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилмайдиган рухсатнома

¹ Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Т.: ИИВ Академияси, 2021. – Б. 227.

(лицензия) асосида фаолият юритадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

Мамлакатда ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашувчи даврлар органлари орасида ИИО органлари алоҳида ўринга эга. Беларусь Республикаси Президентининг 30.12.2003й.даги “Беларусь Республикаси ички ишлар органлари ва бўлинмалари тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги фармони билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Миграция бошқармаси ҳамда ИИВ паспорт-виза хизматлари ва миграция масалалари бошқармаси негизида ИИВ Фуқаролик ва миграция Департаменти ҳамда унинг худудий бўлинмалари ташкил этилди¹.

Департаментнинг асосий вазифаларидан бир сифатида: мамлакатдан фуқароларнинг чиқиши, қайтиб келиши ва яшаш жойини танлаши; чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республикада бўлиш қоидаларига риоя этишини таъминлаш; ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш; миграция жараёнлари ва ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш; ноқонуний миграцияга қарши курашиш, шунингдек давлат органлари (*хорижий мамлакатлар билан ҳам*) билан миграцияга доир электрон ахборот алмашиш жараёнлари ҳуқуқий кафолатланди.

Шу билан бирга, мамлакатнинг ички ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш соҳасидаги айрим муаммолар – меҳнат миграциясини самарали бошқариш ва назорат қилиш эҳтиёжини янада орттирди. Натижада, Беларусь Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги (*05.01.2016 й. №353-З билан тўлдирилди*) Қонунига мувофиқ ИИО – давлатнинг меҳнат миграцияси соҳасидаги сиёсатини таъминловчи ягона субъектига айлантирилди. Унга кўра, хорижда ишга жойлаштириш билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш ваколатининг ИИВ фуқаролик ва миграция департаментига берилиши (*Ўзбекистонда ушбу ваколат Ташқи меҳнат*

¹ Указ Президента Республики Беларусь от 30 декабря 2003 года № 603 «О некоторых мерах по совершенствованию системы органов и подразделений внутренних дел Республики Беларусь» // <https://belzakon.net> // Законодательство Указ_Президента_РБ/2003/5121 (мурожаат вақти: 09.09.2020).

миграцияси масалалари агентлиги томонидан ҳал этилади) ИИОнинг ноқонуний миграцияга қарши курашиш амалиётини самарали ташкил этиш имконини берди¹.

Энг муҳим чора-тадбирлардан бири шуки, ҳар йили Ички ишлар вазирлиги томонидан ноқонуний миграция ва давлат чегарасини қонунга хилоф кесиб ўтишга қарши курашиш мақсадида шартли равишда “нолегал” номли тезкор-профилактик тадбирлар амалга оширилиб туради ва бу мамлакатда миграция қонунчилиги соҳасида қонунбузилишларининг олдини олишда самарали аҳамият касб этади.

Озарбайжон Республикасида миграция соҳасини тартибга солишдаги тажрибаси ҳам ўзига хос. Мамлакатда алоҳида Миграция кодекси қабул қилинган бўлиб, Кодекс билан миграция соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар атрофлича тартибга солинган. Миграция кодекси *биринчидан*, Озарбайжон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Республика ҳудудига кириши, чиқиши ва бўлиш қоидаларига риоя этишларини таъминлаш; *иккинчидан*, ягона миграция ҳисобини юритиш орқали миграция жараёни субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кафолатлаш; *учинчидан*, ноқонуний миграцияга қарши курашишда давлат органлари ҳамкорлигини мувофиқлаштириб бориш имкониятини туғдирди. Мазкур кодекснинг 5-моддасига асосан миграция жараёнларининг иштирокчилари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:

1. Миграция муносабатларини бошқаришда ва тартибга солишда қатнашувчи, шунингдек ушбу соҳада давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари;
2. Чет элга чиқиб кетган, у ерда вақтинчалик ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи Озарбайжон Республикаси фуқаролари;

¹ Закон Республики Беларусь от 30 декабря 2010 года № 225-ФЗ (ред. от 05.01.2016) «О внешней трудовой миграции» // <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=LAW&n> (мурожаат вақти: 25.05.2021).

3. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Озарбайжон Республикасига жалб қилувчи ва Республикада уларни рўйхатга олиш жараёнида қатнашувчи шахслар;
4. Виза ёки визасиз тартибда Озарбайжон Республикасига келувчи, вақтинчалик шу ерда яшовчи ва ҳақ тўланадиган меҳнат фаолият билан шуғулланишга рухсат олган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
5. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Озарбайжон Республикасига таклиф қилишга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, шунингдек уларнинг вақтинчалик мамлакатда бўлиш, вақтинчалик бўлиш муддатини узайтириш, рўйхатга олиш ва меҳнат миграцияси ҳамда вақтинчалик ва доимий яшаш учун рухсат бериш фаолияти билан шуғулланувчи корхона, муассаса ва ташкилот, уларнинг филиаллари ва хорижий ташкилотларнинг ваколатхоналари;
6. Озарбайжон Республикасида рўйхатдан ўтган ва Озарбайжон Республикаси фуқароларини чет элларда меҳнат фаолияти билан таъминлашда воситачилик билан шуғулланувчи юридик шахслар.

Республикада миграция соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи асосий ваколатли давлат органи Озарбайжон Республикасининг Давлат Миграция Хизмати ҳисобланади. Ушбу давлат органи Озарбайжон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги қарорига асосан ташкил қилинган бўлиб, 2009 йил 8 апрелда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органи мақоми берилган¹.

Миграция соҳасида махсус ваколатли давлат органи Давлат Миграция Хизмати бўлса-да, ушбу соҳани тартибга солишда Ички ишлар вазирлигининг ҳам аҳамияти каттадир. Жумладан, Ички ишлар вазирлигининг Паспорт, рўйхатга олиш ва миграция бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари

¹ Azərbaycan Respublikası Dövlət Miqrasiya Xidməti veb-sayt: <https://www.migration.gov.az/about/dmx> (25.05.2021).

ноқонуний миграцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда алоҳида вазифаларни амалга оширадилар.

Мамлакатда миграция сиёсатини самарали амалга оширишга имконият туғдирган асосий омиллардан бири бу Озарбайжон Республикасининг Миграция кодексининг қабул қилинганлигидир. Ушбу Кодекс орқали мамлакат фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудудига кириши, чиқиши ва бўлиши қоидалари мустақкамланди. Шунингдек, миграция муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кафолатланиб, ноқонуний миграцияга қарши курашишда давлат органлари ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга эришилди¹.

Мазкур кодекснинг 6.3-моддасига кўра, миграцияга оид маълумотлар: миграция соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш; мигрантлар ҳаракатига доир ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш орқали миграция жараёнларини башорат қилиш; ноқонуний миграцияга қарши курашган ҳолда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ягона Миграция Ахборот тизими (*Vahid Miqrasiya Məlumat Sistemi*) орқали ҳисобга олинади².

Миграция соҳасини тартибга солишда Европа мамлакатлари орасида Германия Федератив Республикаси илғор тажрибаси билан ажралиб туради. Сабаби, иммиграция оқими бўйича ГФР дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради ва ушбу омил мамлакатнинг иммиграция сиёсатини кучайтиришни ва қонунчилиқни тартибга солиш заруриятини вужудга келтирган. Мамлакатнинг “хорижий фуқаролар”ни иммиграция қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш соҳасидаги илғор тажрибаси – кўплаб мамлакатлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда³.

¹ Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Т.: ИИВ Академияси, 2021. – Б.120.

² Миграционный Кодекс Азербайджанской Республики от 2 июля 2013 года № 713-IVQ. Газета «Республика» (№ 256 от 23 ноября 2014 года; Сборник Законодательных // [http://www.cisstat.com/migration/cis_low/1_AZ_Migration%20Code%20of%20the%20Azerbaijan%20\(2018\).pdf](http://www.cisstat.com/migration/cis_low/1_AZ_Migration%20Code%20of%20the%20Azerbaijan%20(2018).pdf) (мурожаат вақти: 31.05.2021).

³ Елисеев А.В., Дорошенко О.М. Актуальные проблемы применения административно-правовых мер противодействия незаконной миграции в зарубежных странах // Миграционное право. 2018. N 1. – С. 28-32.

Бирок, чет эллик шахсларнинг мамлакатда ноқонуний меҳнат қилиши, яшаши ва кириб келишига бўлган имконият ҳам юқорилиги тўғрисида илмий адабиётларда айтилади¹. Статистик маълумотларга қараганда, Германия 2018-йилда 13,5 млн. мигрантларни қабул қилган бўлиб, уларнинг 48 % - оила, 19% - меҳнат, 15% - сиёсий бошпана, 5% - таълим мақсадида келган иммигрантлар бўлган. ГФРда иммигрантлар сонининг бундай даражада ошиб боришига сабаб мамлакат иқтисодиётининг кескин равишда ривожланиб бораётганлиги ва бунинг натижасида ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганлиги сабаб бўлган. Натижада, мамлакат ҳукумати чет эл давлатлари билан ишчи кучини жалб қилиш тўғрисида кўп бора икки томонлама шартномалар имзолаган.

Мамлакатда бунчалик катта миқдордаги иммигрантлар оқимини самарали тартибга солиш амалиёти мамлакатда миграция бошқарув механизмларининг ташкилий-ҳуқуқий тартибга солинганлиги билан боғлиқ.

Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган давлатларнинг фуқаролари ГФРда бўлишлари учун бир қатор ҳужжатлар бўлиши талаб қилинади. Улар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

Мамлакатга кириш ва вақтинчалик бўлишга рухсат терувчи виза;

Мамлакатда вақтинчалик бўлишга чекланган рухсатнома;

“Европа Иттифоқининг кўк картаси” – юқори малакали мутахассислар учун;

Германияда муддатсиз бўлишга рухсат берувчи ҳужжат;

Узоқ муддатга бўлиш учун рухсатнома.

ГФРда Миграция жараёнларини тартибга солувчи органлар тизими: ГФ Парламенти (Bundestag und Bundesrat); Федерал ҳукумати; Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва қочоқлар масалалари бўйича Федерал идора; Ташқи ишлар вазирлиги; Бандлик ва ижтимоий масалалар бўйича

¹ Олигер Р. Нелегальная миграция в Германию: новый вызов 90-х годов // Мировой опыт миграционной политики: ретроспектива и новейшие тенденции / Под ред. Г. Витковской, МОМ. – М.: Гендальф, 2004. – С. 260-261.

Федерал вазирлиги; Миграция, Қочоқлар ва Интеграция бўйича ҳукумат Комиссияси билан бирга Федерал полиция идоралари зиммасига ҳам махсус вазифалар юклатилган.

Улар орасида асосий ваколатли орган ГФР Ички ишлар вазирлигига ҳузуридаги Миграция ва қочоқлар масалалари бўйича федерал идора ҳисобланади. Ушбу федерал идора қуйидаги бир қатор йўналишлар билан шуғулланади:

Германияда сиёсий бошпана олиш тўғрисидаги аризалар бўйича қарор қабул қилиш;

Иммигрантларни интеграция қилиш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш;

Собиқ СССР давлатларидан яҳудий иммигрантларни қабул қилиш;

Қочоқларнинг оммавий оқими билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш.

ГФРнинг миграция сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш бўйича 2004 йилда «Иммиграция тўғрисида»ги (Zuwanderungsgesetz) Қонуннинг қабул қилиниши (2005 йил 1 январда кучга кирган) – Федерал Ички ишлар вазирлигининг (Bundesministerium des Innern) иммигрантлар билан боғлиқ терроризмга қарши курашиш фаолиятини, шунингдек унинг асосий назорат субъекти бўлган Федерал полиция хизматининг (Bundespolizei) эса, мамлакатда бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларни ватанига қайтариш (депортация қилиш) орқали ноқонуний миграцияга қарши курашишга доир фаолиятини ҳуқуқий кафолатлаш имконини берди¹.

Юқорида кўриб чиқилган давлатларнинг прокуратура тўғрисидаги қонунчилигини ўрганиб, айрим фарқли жиҳатларини кўришимиз мумкин. Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига асосан, назорат предметлари Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонундаги назорат предметларига нисбатан

¹ Карачурина Л.Б. Иммиграционная политика Германии: успешный – неуспешный опыт // Мировая экономика и международные отношения. 2008. – С. 57.

кенгроқ бўлиб, унда шунингдек, мажбурий ушлаб туриш жойларидаги шахсларга жамоатчилик назорати ва ёрдам кўрсатиш субъектларининг, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг бошқарув органлари ва раҳбарлари томонидан Россия Федерацияси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиниши ҳам Россия Федерацияси прокуратурасининг назорат предметига киради. Ушбу ҳолат Россия Федерациясининг прокуратурасининг назорат қилиш доираси анча кенг қамровлилигидан далолат беради.

Шунингдек, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг яна бир ўзига хос жиҳатларидан, назорат текширувларини ўтказишга оид талаблар аниқ белгилаб қўйилган. Яъни текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарор прокурор томонидан ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади ва ўша кундан кечиктирмасдан текшириш ўтказилаётган орган (ташкилот) раҳбарига ёки бошқа ваколатли шахсга қарор етказилади.

Қонунда, шунингдек текшириш ўтказиш куни муддати ҳам белгиланган бўлиб, назорат текшируви 30 кундан ўтиб кетмаслиги керак. Муддатни узайтиришга зарурат туғилган вазиятларда, фақатгина Россия Федерациясининг Бош прокурори ёки у томонидан ваколат берилган ўринбосари томонидан яна 30 кунга узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Беларусь прокуратурасининг ўзига хос жиҳати Беларусь Республикаси Бош прокурори ижро этувчи ҳокимиятга ҳисобдорлигини кўришимиз мумкин, яъни Бош прокурор Президентга ҳисобдор. Чунки, Белорус Республикасининг Президенти эса мамлакат конституциясига асосан, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. Белорус Республикасида прокурор назоратининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, прокуратура суд қарорларининг ҳам қонунга мувофиқлигини назорат қилади. Мазкур норма мамлакат Конституциясидаги ҳокимиятлар бўлиниши принципига хилоф нормалардан бири ҳисобланади.

Озарбайжон Республикасининг қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, унда Бош прокурор лавозимини тайинлаш ва озод қилишнинг миллий қонунчилигимиздан фарқини кўришимиз мумкин, яъни Бош прокурор Миллий Мажлис (Қонун чиқарувчи ҳокимият) томонидан лавозимига

тайинланади, ammo Президент томонидан Миллий Мажлис билан келишиб лавозимидан озод қилинади.

Озарбайжон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг VIII боби **“Прокуратура устидан назорат”** деб номланган бўлиб, унга асосан, прокуратура устидан Миллий мажлис назорати, Президент назорати ва суд назорати белгиланган. Прокуратура устидан Миллий мажлис назорати ва Президент назорати прокуратуранинг уларнинг олдида ҳисобдорлигини назарда тутса, яъни прокуратура ўз фаолияти ҳақида уларни доимий хабардор қилиб туришини назарда тутса, суд назоратига кўра, суд қарори асосида Конституцияда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонунда белгиланган ҳолатларда ва тартибда чекловчи процессуал ҳаракатларни прокуратура томонидан амалга оширишга йўл кўйилиши назарда тутилади.

Юқорида кўриб чиқилган давлатларнинг тажрибасини миллий қонунчилигимизда самарали фойдаланиш қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришда ва шу тариқа миграция соҳасидаги қонунбузилишларни олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида биз кўриб чиққан назарий ва амалий мисоллардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, миграция масалаларини самарали тартибга солишга эришган хорижий мамлакатларда миграция соҳасини тартибга солувчи алоҳида қонун (Озарбайжонда Миграция кодекси) ишлаб чиқилган ва ушбу омил миграция соҳасидаги муносабатларни самарали тартибга солишда муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, мазкур мамлакатларда миграция муносабатлари билан бир нечта давлат органлари шуғуллансада, улар орасида Ички ишлар органлари мамлакатда миграция сиёсатини юритишда, айниқса, мамлакатда мигрантлар ҳисобини юритиш, хорижий фуқароларга фуқароликни бериш масалалари билан шуғулланишдаги ваколатлари билан, ноқонуний миграцияга қарши курашишдаги ваколатлари билан алоҳида ўрин тутди. Шу сабабдан, миграция соҳасидаги муносабатларни

такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан самарали фойдаланган ҳолда қонунчилик базасини такомиллаштириш, “Миграция тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, ҳамда миграция соҳасидаги ваколатли давлат органлари, хусусан Ички ишлар органлари томонидан миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалар ҳамда амалиёт таҳлилларига таяниб, шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизда миграция жараёнларини тубдан ислоҳ қилишнинг кейинги босқичида уни тартибга солувчи ИИОнинг зиммасидаги айрим ваколатлар келгусида бошқа давлат органларига муайян даражада юклатилса ҳам, шахснинг эркин ҳаракатланишга доир ҳуқуқларини таъминлаш, ноқонуний миграция билан боғлиқ фактларига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни ўрганиш, олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш орқали давлатнинг миграция назоратини таъминлаш соҳасидаги функциясини бевосита амалга оширувчи ваколатли орган бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан миграция соҳасидаги қонунчилик ижросини таъминлашда прокуратура органлари асосий эътиборни ушбу соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назоратни ИИО органларига кўпроқ қаратишлари муҳим, деб ҳисоблаймиз.

2-§. Миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

Ҳозирги кунда миграция соҳасидаги қонунчиликни ривожлантиришга юридик фанда катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, миграция қонунчилиги давлат ва жамият тараққиётининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлари таъсирига учраши натижасида Ўзбекистон қонунчилигининг тез ривожланаётган соҳаси ҳисобланади. Миграция қонунчилиги жамоавий муносабатларнинг бутун мажмуасига дахлдор бўлиб, давлат бошқарувининг бир нечта соҳаларини ўзида жамлайди.

Миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш – бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири. Ноқонуний юрган мигрантларни мамлакатда бўлишини шунчаки қонунийлаштириш керак эмас, балки миграцияни тартибга солиш ва бу соҳада тадбиркорлик қилишнинг замонавий шаклларига ўтиш муаммоларини комплекс ҳал қилиш керак, жумладан, меҳнат қонунчилигига иш берувчилар томонидан риоя қилиниши, ишлаш учун келганларнинг меҳнат ва ишлаш шароитларини яхшилаш каби. Бунинг учун ноқонуний ишчи кучини жалб қилиш механизмини йўқ қилиш ва тадбиркорлар учун ноқонуний мигрантларнинг меҳнатидан фойдаланишни фойдасиз қилиб қўйиш, меҳнат фаолиятига мигрантларни жалб қилишнинг қонунчиликдаги моделининг тугалланган моделини яратиш керак бўлади. Бу мақсадларни амалга оширишда:

биринчидан, ноқонуний мигрантларнинг меҳнатидан фойдаланадиган ва уларни олиб келишга жавобгар бўлган аниқ жисмоний шахслар – иш берувчилар, иш буюртмачилари, иш бошқарувчиларни аниқлаштириш имконини берувчи ҳуқуқий нормаларни яратиш керак;

иккинчидан, тадбиркорларга ноқонуний ишчи кучидан фойдаланишни фойдасиз қилиб қўядиган моддий чораларни ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун моддий санкциялар ноқонуний мигрантлар кучидан фойдаланиб эришиладиган даромаддан анча юқори бўлиши керак;

учинчидан, юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда уларга нисбатан таъсир чораси сифатида фақатгина жарималар қўлланилмасидан, шунингдек уларни лицензиясидан маҳрум қилиш масаласи қонунчиликка ўзгартириш киритиш ташаббуси орқали киритилиши керак;

бешинчидан, мамлакатимиз фуқаролари учун Республикада қўшимча иш ўринларини яратиш орқали уларнинг ишлаш учун чет элга чиқиб кетиш ҳолатларини ва чет элдан ишчи кучини жалб қилиш ҳолатларини камайтириш.

Сўнгги вақтларда миграция бўйича асосий масалаларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тизимлаштириш таклифи кенг муҳокама

қилинмоқда. Мисол учун, Б.И. Эгамбердиев ўзининг тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишни таклиф қилган¹. Ушбу таклифни қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур соҳада тегишли қонун ҳужжатини қабул қилишни долзарб ва кенг истиқболли, деб ҳисоблаймиз. Сабаби, ушбу соҳада тегишли қонун қабул қилиниши миграция сиёсати тушунчасини, унинг мақсад ва вазифалари, мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми, ушбу соҳада давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари, уларнинг ваколатлари, шунингдек бошқарув қарорлари ва тегишли тартибни белгилаш учун ягона асосни аниқлаштириш имкони туғилади.

Миграция қонунчилигининг мазмун-моҳияти кўп томонлама миграция сиёсатига боғлиқ ва миграция сиёсатининг амалга оширилишида асос ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқароларининг ҳолатини яхшилаш учун уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тезкор ҳимоясини таъминловчи ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш керак.

Ўзбекистон Республикаси кўплаб халқаро ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Уларнинг айримлари миграция жараёнларини у ёки бу даражада тартибга солувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларини тан олувчи ва унга риоя риоя қилувчи асосий ҳужжатлар 10.12.1948й.даги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, 19.12.1966й.даги Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, 19.12.1966й.даги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, унинг Факултатив Протоколи, 13.12.1985й.даги БМТ Бош Ассамблеясининг 40/144-сонли Резолюцияси билан тасдиқланган “Ўзи яшаётган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсга нисбатан Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациядир.

¹ Эгамбердиев Б.И.: Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш. Авто. дисс. ... юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). Тошкент, 2021. – Б. 200.

Тадқикотчи Д.А. Максим айтганидек, миграция соҳасидаги халқаро ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилишда миграция масалаларини, мигрантларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги давлат манфаатларини таъминлаш, эҳтиёжларидан келиб чиқиш керак¹.

Ноқонуний миграцияга қарши самарали курашиш мақсадида ушбу соҳада содир этилаётган жиноятларга белгиланаётган жазолар қонунбузилишларини ҳар томонлама қамраб олиши муҳим аҳамият касб этади. Миллий қонунчилигимизнинг ҳозирги аҳволи миграция соҳасида содир қилинаётган жиноий қилмишлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўлиқ қамраб олмаяпти. ЎзР ЖКга асосан, миграция соҳасидаги жиноятлар 223-модда (Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш) билан жавобгарликка тортилади. Бунда қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кирган ёки ундан чиққан шахслар жавобгарликка тортилади. МДҲ давлатларининг жиноят кодексларида **“Ноқонуний миграцияни ташкиллаштириш”** деган норма бўлиб, ушбу норма билан ноқонуний тарзда чет эллик фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни киришини ташкиллаштирган, мамлакат ҳудудида уни уй-жой, иш ва бошқа моддий воситалар билан таъминлаган шахсга жавобгарликни назарда тутати².

РФ ЖКнинг 322.2 ва 322.3 моддаларида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Россия Федерациясида бўлиш жойида сохта маълумотлар асосида рўйхатдан ўтказувчи шахсни ва ушбу рўйхатда турувчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари баён қилинган бўлиб, ушбу нормалар ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларни тўлиқ қамраб олиш имконини беради³.

¹ Максим Д.А. Диссертация. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере миграционных отношений: дис. ... канд. юрид. наук: – Москва, 2012. – С. 115.

² Воеводин М.В. Некоторые аспекты правового регулирования миграционной политики В Российской Федерации. Москва: Закон и право. 2021. – С. 188.

³ Воеводин М.В. Некоторые аспекты правового регулирования миграционной политики В Российской Федерации. Москва: Закон и право. 2021. – С.188.

Ушбу нормаларни жиноят қонунчилигимизга имплементация қилиш миграция соҳасидаги жиноятларнинг жавобгарлик масалаларини очик қолишини олдини олган бўлар эди, деган фикрдамиз.

Кўриб чиқилаётган соҳада маъмурий жавобгарлик масалалари ҳам муҳим бўлиб, уни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритиш муҳим аҳамият касб этади. ЎЗР МЖТК миграция соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи бир қанча моддаларни назарда тутган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида таркибга эга.

МЖТКнинг 225-моддасида *Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш*, 225¹-моддасида *Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик* ҳолатларига нисбатан жавобгарлик белгиланган.

Кўриб турибмизки, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини ноқонуний равишда амалга оширишда, шунингдек уларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун ноқонуний равишда меҳнат фаолиятига жалб қилган иш берувчилар учун жавобгарлик масалалари очик қолган.

Миграция соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда МДҲ давлатларидан, хусусан Россия Федерацияси қонунчилиги ютуқларидан ижобий фойдаланиш ва миллий қонунчилигимизга жорий қилиш миграция соҳасидаги қонунбузилишларини жазосиз қолмаслигини таъминлашда ҳар томонлама ёрдам беради.

Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодекснинг 19.27 моддасида чет эллик фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг миграция ҳисобини юритаётганда нотўғри маълумотларни жалб этишига жавобгарлик белгиланган¹. Ушбу норма реал вазиятни ҳисобга олган

¹ Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях. Закон РФ 30.12.2001 г. №195-ФЗ. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.06.2021. <https://consultant.ru>).

ҳолда миграция соҳасида содир этилиши мумкин бўлган яна бир ҳуқуқбузарликка қарши курашиш имконини беради.

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчилигимизга қуйидагича ўзгартиришлар киритишни таклиф қиламиз:

ЎзР ЖКни қуйидаги моддалар билан тўлдиришни:

- 223¹-модда – ***Ноқонуний миграцияни ташкил этиш;***
- 223²-модда – ***Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сохта маълумотлар билан рўйхатдан ўтказиш;***
- 223³-модда – ***Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш жойлари бўйича ҳақиқий бўлмаган ҳисобда туриши.***

ЎзР МЖТКга:

- 225²-модда – ***Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига ноқонуний равишда меҳнат фаолияти билан шугулланиши;***
- 225³-модда – ***Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига ноқонуний равишда меҳнат фаолияти билан шугулланишга жалб қилиш;***
- 225⁴-модда - ***Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан миграция ҳисобини юртишида ёлгон маълумотларни тақдим этиш.***

Тадқиқот ишини ёзиш жараёнида ўрганилган адабиётлардан маълум бўлдики, прокурор назорати соҳасидаги илмий юридик адабиётларда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда, прокурор назорат ҳужжатларининг тушунчаси, мазмуни ва уни тайинлашнинг асосий назарий, услубий ва бошқа кўринишлари ҳақида гап кетади.

Прокурорлар томонидан текширишлар вақтида аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш мақсадида қонунбузилишларининг хусусиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура

тўғрисида”ги Қонунида белгиланган прокурор назорати ҳужжатлари - *протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув*дан фойдаланилади.

Ушбу кўрсатилган прокурор назорати ҳужжатлари – қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро қилиниши устидан назоратни амалга ошириш бўйича прокурор вазифаларини бажариш шакли ҳисобланади. Айнан назорат ҳужжатларининг ёрдами билан прокурор қонунбузилишларини аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш бўйича ўзига юклатилган ваколатларни амалга оширади.

Санаб ўтилган қонунлар ижроси устидан назорат ҳужжатлари қонун бузилишларини, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтирилган бўлиши керак. Бу ҳужжатларни қўллаш нафақат умумий, шунингдек махсус профилактик аҳамиятга эга.

Қонунлар ижроси устидан назорат ҳужжатлари қисқа, лўнда, ўзига яраша зарур реквизитларни яъни, прокуратуранинг номи, манзили, ҳужжатнинг тузилган жойи ва вақти, ҳужжатни чиқараётган прокурорнинг фамилияси, мансаби, даражали унвонига оид маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Ҳужжатнинг кириш қисмида қонун бузилишининг мазмуни, унинг фактик ва юридик тавсифи, хулоса қисмида эса прокурорнинг қонун бузилишини бартараф этиш юзасидан талаби, огоҳлантируви ва имконият доирасида, қонунбузарликларни бартараф қилиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чоралар кўриш ҳақидаги тавсиялари кўрсатилган бўлиши керак. Ҳужжат прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади. Ушбу прокурор назорати ҳужжатларини миграция соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларига қарши курашда ҳам фойдаланилади¹.

Ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига нисбатан энг самарали назорат ҳужжатлари ичида прокурор протести бўлиб, протест муассаса, ташкилотнинг қонунга зид ҳужжати ёки мансабдор шахснинг қонунсиз ҳужжати ёки ҳаракатига, ҳужжатни бекор қилиш ёки уни қонунга

¹ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 126.

мослаштириш, мансабдор шахсларнинг қонунсиз ҳаракатларини тўхтатиш ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳақидаги прокурорнинг қонунлар ижроси устидан назорат тартибидаги асослантирилган ҳужжатдир. Прокурор томонидан протест қабул қилиш асоси ва тартиби Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддаси билан белгиланади. Прокурор протести рад қилинган ҳолларда мазкур Қонуннинг 41-моддасига асосан ариза билан судга мурожаат қилиш ваколатига эга.

Ўз мазмунига кўра, прокурор протести аниқ бир мақсадга қаратилган бўлади: мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракати ёки ҳужжатини бекор қилиш, ҳаракат ёки ҳолатни қонунга мувофиқ ҳолатга келтириш, мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатини тугатиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш. Шу сабабли, диссертация муаллифининг фикрича, нафақат ноқонуний ҳаракатни ўз вақтида аниқлаш ва бу ҳаракатга қонуний асослантирилган протест келтириш, уни тўғри ва тез кўриб чиқишга эришиш, балки ҳуқуқбузарликларнинг бартараф этилишини назорат қилиш, келажакда уларнинг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўриш муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, бу масалада В.К. Звирбул айтган фикрлар мутлақо тўғри: “протест фақатгина ноқонуний ҳужжат бекор қилинганда эмас, балки ноқонуний ҳужжат чиқарилишига сабаб бўлган ҳолат бекор қилинганда ўз мақсадига эришади”¹.

Қонунбузилиши ҳолатларини самарали бартараф қилиш бўйича энг самарали ҳужжатлардан бири прокурор тақдимномасидир. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддасига асосан, прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

¹ Звирбуль В.К. Прокурорский надзор в СССР / В.К. Звирбуль. - М. 1966. - С. 97.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Прокурор тақдимномаси мазмун жиҳатидан қонун бузилишлар мажмуасини бартараф этишга қаратилган ҳужжат бўлиб, ушбу хусусиятга кўра бошқа прокурор назорати ҳужжатларидан фарқланади. Тақдимнома ҳуқуқий жиҳатдан сифатли расмийлаштирилиши ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари аниқ ифодаланиши лозим¹.

Тақдимномаларнинг самарадорлигини аниқлаш учун, ушбу назорат ҳужжати билан мурожаат қилинаётгандаги мақсадларни ва эришилиши керак бўлган натижаларни аниқлаштириш керак бўлади. Назорат тартибидаги прокурор тақдимномаларининг асосий мақсадлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ҳуқуқбузарликларни ва уларнинг содир этилишига шароит яратиб берган ҳолатлар ва сабабларнинг ҳақиқатда йўқ қилинганлиги, айбдор шахсларнинг қонунда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилганлиги, пировардида – ҳуқуқбузарликнинг бартараф этилганлиги. Рус ҳуқуқшунос-профессори А.П. Сафанов ҳақли таъкидлаганидек, тақдимномаларнинг самарадорлиги тақдимнома юборилган орган ёки мансабдор шахс томонидан ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан прокурор томонидан юборилган таклифларни қанчалик амалга оширилганлиги билан белгиланади².

Агар текширишлар ўтказиш жараёнида прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари борлигини аниқласа, у мансабдор шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатиш бўйича қарор қабул қилади («Прокуратура тўғрисида»ги Қонун, 29-модда.). «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасидан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг

¹ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б.132.

² Сафанов А.П. Сущность и пределы прокурорского надзора за соблюдением законодательства в местах лишения свободы. Сб. «Вопросы прокурорского надзора». – М. 1972. – С. 141.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 275-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш асослари кўрсатилган. Жиноят аломатлари мавжуд бўлган хатти-ҳаракат жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлади. Қарорда жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлган ижтимоий хавфли қилмиш ва бунинг учун Жиноят кодексидаги жавобгарликни белгиловчи модда, жиноят ишини иш юритувига олиши лозим бўлган мансабдор шахс ҳақидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим¹.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 42-моддасига мувофиқ, прокурор фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Миграция соҳасидаги қонунбузилишларини аниқлашда прокурор назорати ҳужжатларини самарадорлиги тўғрисидаги масала ҳам жуда муҳим бўлиб, қонунбузилишларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда юқорида келтирилган прокурор назорати ҳужжатлари қабул қилинади.

Шу нуқтаи назардан, миграция соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиладиган прокурор назорати ҳужжатларининг самарадорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Прокурорлар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда назорат фаолиятдан ташқари қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Прокуратура органларининг қонун ижодкорлигидаги роли Конституция даражасида белгилаб қўйилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қонунчилик ташаббусига эга

¹ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. – Б. 132.

эканлиги айтилган. Бундан ташқари, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга асосан қонун ижодкорлиги фаолиятида қатнашиш прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларилан бири сифатида белгилаб қўйилган (Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, 4-модда).

“Қонун ижодкорлиги” атамаси юридик фанда қонунларни ишлаб чиқиш жараёни сифатида тушунилади¹. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 09.06.2018й.даги 192-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими тўғрисида”ги Низомнинг 2.5.бандида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида асосий халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш бўйича таклифлар тайёрлаш айтилган. Кўрсатилган мазкур ҳолатлар прокуратура органларидан қонун ижодкорлиги фаолиятида фаол қатнашишни талаб қилади.

Ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тамойили нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги жараёнида қатнашиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида, шу жумладан, миграция соҳасида ҳам назоратни амалга ошириш билан бир-бирига жуда боғлиқ фаолият ҳисобланади.

Прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолияти прокурор назоратининг таркибий қисми сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлашда бевосита таъсир ўтказади. Шу тарзда прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши

¹ Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 104.

уларнинг ўз олдларидаги мақсад ва вазифаларига эришишларида муҳим аҳамият касб этади¹.

Прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишларининг бошқа шакллари сифатида Бош прокурор тимсолида қабул қилинадиган буйруқ, кўрсатма, фармойиш ва низом каби идоравий ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини айтишимиз мумкин.

Шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш назорат фаолиятини амалга ошириш билан бирга, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан миграция соҳасидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши бўйича прокуратура органларининг фаолияти самарадорлиги миграция муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қонун ижодкорлиги фаолияти давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутиши ҳақида хулоса чиқаришга имконият беради.

Шу сабабдан, миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатларида прокурор назорати фаолиятини такомиллаштиришда миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича прокурорлар ишини ташкиллаштиришда асосий талабларни белгилайдиган ва мазкур соҳадаги прокурор назоратининг вазифаларни белгилайдиган, қонунбузилишларини аниқлаш ва олдини олишнинг тактик ва методологик жиҳатларини очиқ берадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан назорат фаолияти уларни қонунбузилиши учун жавобгарликка тортишда қонунчиликнинг аниқ нормалари ва уларни кўллаш бўйича тегишли амалиёт орқали белгиланадиган ўзига хосликка эга.

¹ Максим Д.А. Диссертация. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере миграционных отношений: дис. ... канд. юрид. наук: – Москва, 2012. – С. 189.

Миграция муносабатлари иштирокчиларининг юридик жавобгарлиги уларнинг ҳуқуқий мақомининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга уларни жавобгарликка тортиш бўйича ваколатлар ушбу соҳадаги ваколатли давлат органларининг ажралмас қисмидир¹.

Миграция муносабатлари иштирокчиларини улар содир этган ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликка тортишда уларнинг ҳуқуқларининг бузилиши Ўзбекистон Республикаси миграция сиёсатининг амалга оширилишига ҳақиқий таҳдид ҳисобланади. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ноқонуний ва асоссиз жавобгарликка тортилиши ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳимоясизлиги муҳитини шакллантиради ва ижро органлари томонидан маъмурий бўшлиқлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Миграция муносабатлари иштирокчиларининг юридик жавобгарлиги тўғрисидаги масала чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги конституциявий тамойилларга асосланади. Аввал ҳам кўриб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига асосан, барча фуқаролар, шу жумладан чет эл фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўладилар. Ушбу тенглик тамойилини ЎзР МЖТКда ҳам кўришимиз мумкин. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Иммунитетга эга бўлган шахсларга эса, махсус қоидалар қўлланилади.

Тадқиқот ишини ёзиш жараёнида ўрганилган назарий ва амалий материаллар асосида, миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя қилиниш соҳасида прокурор назорати самарадорлигини ошириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қуйидаги қўшимча чораларни амалга ошириш таклиф этилади:

¹ Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор /Ю.Е. Винокуров. - М. 2001. – С. 144.

1) Миграция соҳасида қонунийликни ҳар томонлама таҳлил қилишни доимий асосда амалга ошириш, энг оғриқли нуқталарни аниқлаш ва шу билан бир вақтда назорат объектларида чуқур мақсадга йўналтирилган назорат текширувларини амалга ошириш;

2) Миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаган ҳолда, миграция соҳасидаги ваколатли давлат органларининг қонунчиликни ижро қилиши ва ўз ваколатларини бажаришлари бўйича, назорат тадбирларини биринчи даражали масала деб ҳисоблаш, қонунбузилиши ҳолатларига қатъий ва асосли чора кўриш;

3) Назорат фаолиятининг барча босқичларидаги ҳужжатларнинг, хусусан, назорат ҳужжатларининг самарадорлигини ошириш мақсадларини кўзлаб, прокуратура органларининг назорат фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ўқув ва ташкилий тадбирларни тез-тез амалга ошириш;

4) Прокурорнинг қонуний талабини ҳар бир асоссиз бажармаганлик ҳолати бўйича айбдор шахсларни ЎзР МЖтКнинг 197-моддасига асосан жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш.

Шунингдек, мигрантлар томонидан миграция соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга нисбатан тўланадиган жариманинг миқдорини ошириш, фикримизча, уларнинг сонини камайишига сабаб бўлади.

ХУЛОСА

Тобора жадаллашиб бораётган глобализация, халқаро товарлар алмашинуви, ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ўзаро интеграциянинг замонавий шароитларида миграция жараёнлари замонавий ижтимоий-ҳуқуқий воқеликнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Кўпчилик давлатлар учун бугунги кунда самарали миграция сиёсатини амалга ошириш миллий устувор мақомга ега, чунки давлат ривожланишининг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалари унга боғлиқ. Ўз навбатида, шахслар ўз манфаатларининг тўла рўёбга чиқишини таъминлаш мақсадида ўзлари учун мақбул яшаш жойини танлашга ва ишлашга интиладилар. Шу тарзда давлат ва бошқа миграция муносабатлари иштирокчилари ўртасида аниқ муносабатлар тизими вужудга келиб, унда ҳар бир тараф фақатгина ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши мумкин бўлган мақсадларига интиладилар.

Бу борада миграция масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш миграция соҳасида давлатнинг мақсадларига эришишнинг устувор воситасидир. Шу сабабли, давлат миграция сиёсатининг асосий йўналишларини, миграция муносабатларини тартибга солиш бош тамойилларини, миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мурожаатларини, миграция қонунчилигини амалга ошириш механизми ва назоратини қонун даражасида ифодалаш лозимдир

Ўзбекистонда миграция жараёнлари ўзига хос кўринишга эга: яқин ўтмишда Республикамининг кўпчилик фуқаролари турли мақсадларда, асосан меҳнат мақсадларида чиқиб кетишган бўлса, бугунги кунга келиб, мамлакатимизнинг ривожланиб бориши ва дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан дўстона муносабатларни йўлга қўйиб бораётганлиги натижасида, кўплаб давлатларнинг юртимизга қизиқиши ортиб бормоқда. Шу сабабдан, Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижий иммигрантларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг орасида меҳнат қилишдан тортиб, ўқиш, дам олиш, даволаниш ва туристик мақсадларда келаётган иммигрантларгача мавжуд. Миграция жараёнларининг мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида бундай муҳим

аҳамият касб этишига қарамай, Ўзбекистонда яхлит ва тизимлашган миграция қонунчилиги ва уни амалга ошириш механизми яратилган, деб айтолмаймиз.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида умумий тарзда белгиланган конституциявий норманинг таркибий қисми ҳисобланади.

Миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда эътибор қаратиш керакки, уларнинг ҳуқуқий мақоми миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишнинг таркибий қисмидир. Бу шуни англатадики, хорижий мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини Ўзбекистон Республикаси амалга оширадиган миграция сиёсатидаги миграция муносабатларидан алоҳида кўриб чиқилиши мумкин эмас. Шу тарзда, миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доимо давлат томонидан олиб борилаётган миграция сиёсатига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси мувозанатлашган миграция сиёсатини амалга оширишга интилмоқда. Бу мувозанатлашув бошқа давлатлардан малакали ишчи кучини жалб қилишда Ўзбекистоннинг очиклиги, чет элда яшайдиган ватандошларимизни Ўзбекистонга қайтишга рағбатлантириш, ноқонуний мигрантларни аниқлаш, жавобгарликка тортиш ва уларни мамлакатдан чиқариб юбориш, чет элдан ишчи кучини ноқонуний равишда ишлатаётган иш берувчиларни бу фаолиятни амалга оширилларига йўл қўймасликда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 18-моддаси чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқли деб топади, балки уларнинг мазкур ҳуқуқ ва бурчларининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Прокуратуранинг назорат фаолияти ва у орқали кўрилаётган чоралар миграция муносабатлари иштирокчилари ҳуқуқларининг асосий юридик кафолатларидан биридир. Айнан, прокуратурага давлат органлари олдида фуқароларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш мажбурияти юкланган. Бироқ, ҳозирги шароитларда миграция муносабатлари соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши бўйича прокурор назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет

эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ўртасидаги уларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки бузилиши мумкин бўлган ўзаро муносабатларининг барча шакллари қамраб олмади.

Шу сабабдан, миграция соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари устидан самарали назоратни амалга ошириш мақсадида миграция муносабатлари соҳасида давлат назорати институтини мустаҳкамлаш зарурати пайдо бўлмоқда. Мазкур назоратни амалга оширишда эса, асосий ролни прокуратура ўйнаши керак.

Миграция қонунчилиги ижроси устидан прокурор назорати сифатини ошириш учун мазкур назорат турини ташкиллаштириш ва амалга оширишнинг ахборот-таҳлилий ва услубий таъминоти даражасини босқичма-босқич ошириб бориш керак. Прокуратура органларининг миграция соҳасида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш имконини берувчи ахборот таъминотини ривожлантириш воситаларидан бири прокуратура органларининг миграция соҳасида ишлайдиган ва ушбу соҳадаги содир этилаётган ҳуқуқбузарликлардан бевосита хабардор бўлган жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдир.

Миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича давлатнинг самарали сиёсати изчил ҳаракатлардан ташкил топиши керак. Биринчи навбатда, миграция муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини кўзловчи аниқ ва тизимли миграция сиёсатини амалга ошириш керак бўлади. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси миграция сиёсатининг асосий йўналишларини норматив ҳуқуқий жиҳатдан аниқ мустаҳкамлашга қаратилиши керак. Бугунги кундаги мавжуд миграция қонунчилиги тизимли ва тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш талабларига жавоб бермайди. Бунга кўра, қуйидаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш муҳим ҳисобланади: **“Миграция тўғрисида”**ги Қонун, **“Ўзбекистон Республикасидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”**ги Қонун ва **“Ўзбекистон Республикасининг чет элда яшаётган фуқароларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Қонун. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг **“Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор**

назоратини такомиллаштириш тўғрисида”ги Буйруғини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш прокуратура органларининг мазкур соҳадаги қонунчилик ижросини таъминлашда, мазкур фаолиятнинг асосий устувор йўналишларини, мақсад ва вазифаларини белгилашда муҳим омил бўлади. Шунингдек, юқорида ном келтирилган қонунлардаги қоидаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти буйруқлари ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари даражасида миграция соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, миграция қонунчилигини амалга ошириш, уни ижро қилиш ва риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш механизмини яратиш керак.

Тадқиқот ишини ёзиш жараёнида шаклланган маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан қуйидаги таклифлар берилади:

1. Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратига оид илмий-назарий билимдарни бойитишга оид хулоса ва тавсиялар:

1. Қуйидаги тушунчаларга тадқиқотчи томонидан муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

Миграция сиёсати - миграция муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган давлат фаолиятининг бир кўриниши;

Миграция - атамасини жисмоний шахснинг бир давлатдан бошқасига ёки давлатнинг бир маъмурий-ҳудудий бирлигидан бошқасига кўчиши билан боғлиқ бўлган ҳудудий кўчиши сифатида тушунишимиз мумкин;

Ноқонуний миграция – Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг халқаро ва миллий қонунчиликда белгиланган давлатдан чиқиш, унинг ҳудудида бўлиш ва ундан чиқиш, шунингдек, унинг ҳудудидан транзит ўтиш қоидаларининг белгиланган тартибини бузиш;

Миграция соҳасида прокурор назорати – миграция соҳасидаги қонунчиликка (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари,

Президент Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари) миграция муносабатлари субъектлари томонидан риоя қилинишини назорат қилиш бўйича прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган махсус назорат фаолияти;

Миграция муносабатлари иштирокчилари – миграция соҳасидаги муносабатларда иштирок этадиган жисмоний (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) ва юридик шахслар ҳамда мазкур муносабатлар соҳасида ваколатли бўлган давлат органлари.

2. Мазкур тадқиқот иши натижасида миграция соҳасидаги миллий ва чет эл олимларининг илмий ишлари ўрганилиб, уларни умумлаштириб, миграция муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, прокурор назорати умумийдан махсусга қараб, яъни миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари, айниқса ушбу соҳадаги прокурорлар олдида мақсад ва вазифалар ўрганилган, прокурорлар томонидан алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар кўриб чиқилган.

II. Миграция жараёнларини ва ушбу соҳадаги прокурор назоратини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, улардаги мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган хулоса ва таклифлар берилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси 2-бандидаги “қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни” “қонунлар ва норматив характердаги қонунчилик ҳужжатлари устидан аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат” жумласига алмаштиришни. Сабаби, аввал ҳам айтиб ўтилганидек, ҳозирги кунда миграция муносабатларини, хусусан мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Лекин миграция муносабатлари ҳозирги кунда Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тартибга солинмоқда. Шу сабабдан,

табийки, прокурорлар ушбу соҳада назорат фаолиятини миграция соҳасидаги қонуности ҳужжатларининг ижроси устидан амалга оширишади. Демак, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлари нафақат қонунлар балки норматив ҳарактердаги қонуности ҳужжатларининг ижросини ҳам назорат қилишади.

2. ЎзР ЖКни қуйидаги моддалар билан тўлдиришни:

223¹-модда – *Ноқонуний миграцияни ташкил этиш;*

223²-модда – *Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сохта маълумотлар билан рўйхатдан ўтказиш;*

223³-модда – *Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш жойлари бўйича ҳақиқий бўлмаган ҳисобда туриши.*

Юқорида ЎзР ЖКга киритилиши таклиф қилинаётган моддалар шуниси билан аҳамиятлики, улар амалда мавжуд бўлган, аммо жавобгарлик масаласи очик қолган миграция соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва бартараф қилишга хизмат қилади.

3. ЎзР МЖТКга киритилиши таклиф қилинаётган қуйидаги моддаларга нисбатан ҳам юқоридаги фикрни таъкидлашимиз мумкин. Ушбу моддалар сабабли ҳуқуқбузарликлар бартараф қилинади ва айбдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилади:

225²-модда – *Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига ноқонуний равишда меҳнат фаолияти билан шугулланиши;*

225³-модда – *Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига ноқонуний равишда меҳнат фаолияти билан шугулланишга жалб қилиш;*

225⁴-модда - *Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан миграция ҳисобини юритишда ёлгон маълумотларни тақдим этиш.*

Ш. Миграция соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга оид ташкилий таклифлар:

Юқорида айтиб ўтганимиздек, миграция соҳасидаги муносабатлар бўйича бир қатор ваколатли давлат органлари мавжуд бўлиб, улар томонидан қонунийликнинг ижро қилиниши устидан прокуратура органлари томонидан назорат олиб бориш учун прокуратура органлари ҳар бир ваколатли ташкилотдаги қонунчилик аҳволини ўрганиб чиқиши ва ҳар бири учун алоҳида назорат текширувларини ўтказиши керак. Бунинг учун ҳар бир ваколатли давлат органи алоҳида ўрганиб чиқилади, уларнинг фаолиятини тартибга солишчи норматив ҳуқуқий база ўрганиб чиқилиб, улар асосида прокурорлар текшириши керак бўлган масалалар белгилаб олинади. Табиийки, ушбу ҳаракатлар прокуратура органларининг ишини қийинлаштиради ва миграция соҳасидаги қонунчилик аҳволини ҳар бир ваколатли давлат органи кесимида ўрганиб чиқиш мамлакатдаги миграция қонунчилиги ижросининг умумий ҳолатини назорат қилишни қийин жараёнга айлантиради. Шу сабаблан, миграция соҳасидаги **ягона ваколатли органи ташкил қилиш** миграция муносабатларини тартибга солиш ишларини яхшилайдди. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан назорат текширувларини амалга ошириш учун эътиборни битта жойга тўплаш имконини беради.

Бундан ташқари, миграция соҳасида ҳозирги тенденциялар, мигрантлар доимий учрайдиган муаммолар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилаётган миграция жараёнларининг сабаблари, ноқонуний миграцияга шароит яратиб бераётган омилларни ўрганиш, уларни бартараф этиш ва миграция жараёнларини такомиллаштириш масалаларни ўрганиш ва ечим топиш билан шуғулланувчи **Миграция масалалари бўйича илмий-тадқиқот марказини** ташкил этиш ушбу соҳани такомиллаштиришда ижобий аҳамият касб этади.

Шунингдек, миграция соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги Қонунини, **“Ўзбекистон Республикасидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”**ги Қонун ва **“Ўзбекистон Республикасининг чет элда яшаётган фуқароларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Қонунини қабул қилиш истиқболда миграция жараёнларини тартибга солишда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсад ва вазифаларини, давлат томонидан ваколат берилган давлат органларининг ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатиш, миграция муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаши билан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу соҳадаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Миграция соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш тўғрисида”ги Буйруғини қабул қилиш лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (Нью-Йорк, 1948 йил 10 декабрь) // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: “Адолат”, 2004. – 520 б.;
2. “Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида”ги Халқаро конвенция // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 204-модда.;
3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: “Адолат”, 2004. – 520 б.;
4. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: “Адолат”, 2004. – 520 б.;
5. МДҲга аъзо давлатларнинг 1992 йил 13 ноябрдаги “Миграция, ижтимоий муҳофаза ва меҳнат бўйича консултатив кенгаш ташкил қилиш тўғрисида”ги Битим // Электрон манба: <http://www.cis.minsk.by/page.php?id=8098> (мурожаат вақти: 18.04.2021);
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2019. – 75 б. ;
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664> (мурожаат вақти: 25.05.2021).;
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453> (мурожаат вақти: 25.05.2021);

9. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2001 й, 257-П-сон.;
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги (20.08.1999 й.) қонуни // Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 217-модда; «Народное слово», 1999 й., 194 (2233)-сон.;
11. Ўзбекистон Республикасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги (14.09.2011 й.) қонуни // ЎР ҚХТ, 2011 й., 37-сон, 375-модда.;
12. Уголовный кодекс Российской Федерации. Законом РФ 13.06.1996 г. №63-ФЗ. (Электрон манба: <https://consultant.ru>. мурожаат қилинган вақт: 10.12.2020.);
13. Уголовный кодекс Республики Казахстан. Законом РК 12.07.2018г. №180-VI. (Электрон манба: <https://online.zakon.kz>. мурожаат қилинган вақт: 10.12.2020.);
14. Уголовный кодекс Республики Беларусь. Законом РБ 09.07.1999 г. №275-3. (Электрон манба: m.etalonline.by/?type. мурожаат қилинган вақт: 20.12.2019.);
15. Уголовный кодекс Республики Азербайджан. Законом РА 10.12.2019 г. №787-IQ. (Электрон манба: <https://online.zakon.kz/m/Document>. мурожаат қилинган вақт: 10.12.2020.);
16. Международные договора универсального характера (например: Протокол, касающийся статуса беженцев, 1967 и др.); международные договора регионального уровня (например: Соглашение СНГ о сотрудничестве в области трудовой миграции и социальной защиты трудящихся-мигрантов, 1994; Соглашение СНГ о сотрудничестве государств-участников СНГ в борьбе с незаконной миграцией, 1998);

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2018 й., 09/18/845/2090-сон.;
